Янги йил муборак, азизлар!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши
№ 1 (12.957).
1 ЯНВАРЬ 1965 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

ҚАҲРАМОН КУБАГА ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, А. И. Микоян ва А. Н. Косигин ўртоқлар Фидель Кастро Рус ва Освальдо Дортикос Торрадо ўртоқларга телеграмма юбориб, қаҳрамон Кубанинг қардош халқини ва унинг раҳбарларини Куба революцияси ғалабасининг 6 йиллиги — Озодлик куни билан ҳамда кириб келаётган Янги йил билан совет халқи, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан самимият билан қутладилар ва табрикладилар.

* * *

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико қардош Куба халқининг катта байрами, шунингдек кириб келаётган янги йил муносабати билан Куба Республикасининг ташқи ишлар министри Рауль Роа Гарсияга телеграмма юборди. (ТАСС).

СОВЕТ ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар! Ўртоқлар ва дўстлар!

1964 йил ўзининг меҳнат вахтасини топширмоқда. Совет кишилари уни ўз бурчларини адо этганликларини сезган ҳолда ва қонуний фахрланиш туйғуси билан узатиб қўймоқдалар. Бу йил — жамиятимиз муваффақиятли ривожланган, қийинчиликларни енгиш учун сабот-матонат билан кураш олиб борилган йил бўлди, бутун улуғ мамлакатимиздаги коммунизм қурилишларида миллион-миллион меҳнаткашлар ажойиб муваффақиятларга эришган йил бўлди, Ерда ва Космосда, ишлаб чиқаришда, фан ва маданиятда буюк зафарлар йили бўлди.

Металлургларга ва шахтёрлар, нефтчилар ва энергетиклар, химия ва енгил саноатнинг, темир йўл ва денгиз транспортининг ходимлари ҳали йил тамом бўлмай туриб, йиллик план топширикларини тўла ва ошириб бажариш билан Ватанни хурсанд қилдилар. Колхозчилар ва совхоз ходимларининг ғайрат билан ишлаганликлари натижасида далалардан мўл ҳосил йиғиштириб олинди. Буларнинг ҳаммаси Янги йил муносабати билан мамлакатга тортиқ қилинган яхши совғалардир. Совет кишилари ўз меҳнатлари билан севикли Ватанимизнинг чиройига чирой, бойлигига бойлик ва қудратига қудрат қўшдилар.

Ўтган йил Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет ҳукумати ва бутун халқимиз тинчлик, озодлик, халқлар миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш иши ва инсониятнинг социал тараққиёти учун актив кураш олиб борган йил бўлди.

Совет кишилари 1964 йилнинг якунларидан мамнун бўлиш учун ҳамма асосларга эгадирлар.

Азиз ўртоқлар!

Яна бир неча минутдан кейин Кремль курантлари Янги, 1965 йилнинг кириб келганлигидан дарак беради.

Янги йил Совет Иттифоқининг бепоён майдонлари бўйлаб шаҳдам одим ташламоқда. Биз эса унга: «Марҳабо!» деймиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети завод ва фабрикаларнинг, колхоз ва совхоз далаларининг меҳнаткашларини, фан ва маданият арбобларини, бутун халқ интеллигенциямизни, шавкатли Қуролли Кучларимизнинг жангчилари ва командирларини, ажойиб совет хотин-қизларимизни революцион кураш ва меҳнатдаги ҳурматли ветеранларимизни ҳамда ўринбосарларимиз бўлган жўшқин, довюрак совет ёшларини қизғин ва самимий табриклайдилар, — ҳаммаларингизни, азиз дўстлар кириб келаётган Янги йил билан қутлайдилар!

Етти йилликнинг якунловчи йили бўлган 1965 йил мамлакатимизда коммунизм қурилишида янги зўр ва шонли ғалабалар йили бўлсин. Янги йил социализм мамлакатларининг қардошларча дўстлиги янада мустаҳкамланадиган, империализмга, мустамлакачиликка ва агрессияга қарши курашда ер юзидаги барча тинчлик, озодлик ва тараққиёт кучларининг жипслиги янада мустаҳкамланадиган йил бўлсин, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги янада мустаҳкамланадиган йил бўлсин.

Мана шу дақиқада биз совет халқи номидан қардошларимиз — социалистик мамлакатларнинг халқларига ва бутун дунё меҳнаткашларига оташин қутловлар ва энг яхши тилаклар йўллаймиз.

Халқларга тинчлик, меҳнат, озодлик ва бахт-саодат келтираётган коммунизмнинг улуғ зафарли байроғи бутун ер юзи узра тобора ёрқин ҳилпираб, ғалабага чорлайверсин.

Кириб келаётган йилда ҳар бир совет онласига, ҳар бир совет кишисига чин кўнгилдан сихат-саломатлик, куч-ғайрат, ижодий кучларига равнақ ва зўр бахт-саодат тилаймиз.

Коммунизм қураётган, инсониятнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун курашаётган улуғ совет халқига шон-шарафлар!

Совет халқининг жанговар авангарди — ленинчи партиямизга шон-шарафлар!

Янги йилингиз муборак, янги бахт-саодат ёр бўлсин, азиз ўртоқлар!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

1965

Салом, янги йил! Шонли 1964 йилнинг ўн икки зар пиллапоясидан мардона кўтарилиб, сен билан юзма-юз учрашаётирмиз. Сенинг гурс-гурс дадил қадамларингни, навқирон қалбинг зарбини, саҳоватли, муборак нафасингни аниқ ва яққол ҳис қилмоқдамиз.

Янги — 1965 йилга очиқ юз, янада тетик ва дадил кайфият билан қадам қўйдик. Кўз ўнгимизда янги-янги уфқлар очилмоқда. Шаҳру қишлоқларимиз янгича кўрк билан зеболангандай. Одамлар қалбида янгича ижод ва бахт нашидаси. Куни кеча, янги йил дастурхони атрофида ўтирган хушнуд оилаларимиз, баҳор тошқинидай қувноқ ёшларимиз, бахтиёр кексаликдан мамнун ота-оналаримиз дилларидаги энг эзгу, энг самимий орзуларини ифода этишиб, бир-бирларига узоқ умр, соғлиқ саломатлик, ижод қувончи тилашган эдилар. Ҳа, чинакам инсоннинг олижаноб фазилатларидан бири — бир-бирларига яхшилик тилашдир.

Янги йилнинг тўкин ва баранали дастурхони атрофида ўтирар эканмиз, биз энг аввало, шунча нозу неъматларнинг битмас-туганмас хазинаси бўлган она-еримизга ва бу хазинанинг олтин калити бўлган пешана теримизга, меҳнатнаш, қадоқ қўлларга таъзим қилдик. Хоналаримизни равшан қилиб турган, чеҳрамиз ва қалбларимизга абадий баҳор қўндирган, инсонни, унинг қадру қимматини қуёшга кўтариб улуғлаган, инсониятнинг энг олий, асрий идеалларини рўёбга чиқарган беқиёс даврларимизга, Коммунистик партиямизга юрак сўзлари билан таҳсин ўқидик.

Янги йилнинг янги, мунаввар тонгига, истиқболимиз жамолига севинч ва ифтихор билан боқиб, қалбларимиз янгича жўраъат, янгича суръат ва шижоат билан ҳаётланди. Байрам арафасида ёққан қумуш қор, самода чарақлаб турган офтоб, юзларни лоладек қизартириб эсаётган январь шабадаси, яшил арчалар атрофидан келаётган бахтиёр авлоднинг қувноқ қўшиқ, кулгилари қанчалар завқ ва илҳом бағишлайди, кишига!

Янги йилимиз ёш куч, енгил рух, улуғ режалар билан енгил шимариб ишга тушиб кетди. Ўзимизга катта ғалабалар, янги-янги меҳнат ва ижод завқларини вазъда этмоқда. Бу йил янада буюк, янада улуғвор мўъжизалар рўй беражак: фазо илмида янги довонлар ошамиз, чўлларда денгизлар мавжланади, атом энергияси инсонга кўпроқ хизмат этади, геологларимиз янги-янги туганмас конлар инъом этишади, харитамиз янги шаҳарлар билан безанади, шаҳарларимиз замонавий, антиқа иморатлар билан зеболанади, пахта тоғларининг азамат силсиласи бўй кўрсатади, олим янги ихтиро қилади, адиб янги, мукаммал китоб битади...

1965 йил — янги йўллар, янги манзиллар, янги соҳиллар деманди-дир. Тарихнинг қудратли ғилдираги ҳам биз билан ҳамқадам айланади. Бу йил — социализм дунёсининг янада жипслашуви ва кенгайиши, мудҳиш мустамлакачиликнинг узил-кесил йўқолиши ва капитализм дунёсининг муқаррар инқирозлари билан нишонланажак.

Коммунизмнинг ҳаётбахш, порлоқ, ғов билмас ғоялари халқлар қалбига йўл топмоқда. Мамлакатимизга, хусусан республикамизга меҳмон бўлиб келаётган жуда кўп чет эллик меҳмонлар, жамоат ва маданият арбоблари, оддий кишилар ва туристлар, дўстларимиз ва рақибларимиз биз эришган ва эришаётган ғалабаларимизни, қуёшли ҳаётимиз, эркин ва мўъжизакор меҳнатимизни ўз кўзлари билан кўриб, қойил бўлмоқдалар.

Жонажон Ватан, азиз республикамиз! Бу шарофатли янги йил тонгида сенинг забардаст бастингга, ижодкор дастингга, адолатли, алвон байроғингга меҳр ила боқиб, ҳар биримизнинг қалбимизда, ўй-хаёлимизда янги-янги режалар туғилмоқда. Ҳар биримиз ўзимиздаги барча олижаноб хислатларни, қудрат ва имкониятларни, меҳримиз ҳароратини, зеҳнимиз маҳоратини, қалбларимиз кўрини сенга, сенинг олижаноб ғояларингга бағишлаймиз. Инсониятнинг келажагини, бахту саодатини, тинч-омонлигини ўйлаб, бу йўлда сабот ва қатъият, жонбозлик ва фидокорлик билан қилаётган улуғ меҳнатингга жаҳон қойил қолмоқда.

Биз янги, 1965 йилни кенг қучоқ, очиқ чеҳра билан қарши олар эканмиз, унга хитоб қиламиз:

Дўстлик билан гуллаган диёр
Бўркаяжак сени ҳам шонга.
Саҳроларга элтасан баҳор,
Юксаласан ойга, осмонга.
Сен қалқасан бизнинг сафларда,
Бахт кутади курашингдан Ер.
Коммунизм сари сафарда
Коммунистдай тўкажаксан тер,
Манглайингда Ўроқ ва Болға,
Қани, ишга! Жўнадик олға!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. И. ИБРОҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Суннат Иброҳимович **Иброҳимов** Ўзбекистон ССР қурилиш министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1964 йил 31 декабрь.

Ғафур ҒУЛОМ.

Ўзбекистон халқ шоири.

ИСТИҚБОЛНИ КУТАМИЗ

Муқаддас Ватанимнинг янги тонги қизарди,
Уфққа Кремлнинг юлдузлари берур ранг.
Инсонлар умримиздан мазмун олди, туз олди,
Биз яратган замон бу, жамолига бир қаранг.

Ҳаваслар — тилак бўлди, тилаклар — аниқ ҳаёт,
Бир зарбда тепиб турган миллион қалб идроки бу.
Уз ақли қанотида ўзи учган одамзод,
Кашф этар ўлмасликни моддий оламдай мангу.

Мангулик бўй бастига ярашиқ халқимиз бор,
Бирор пойдевор қурса эртасини ўйлайди.
Меҳнатининг якуни мақсадидай улуғвор,
Кўчат экса қуримас, чечакларин бўйлайди.

Ватанимни чулғаган кўк ўлар қорли тоғлар
Арчалараро кезиб мизғиган қор бободан.
Федченко музлигида навбат кутар ирмоқлар
Занжир узиб чопмакка кўкламдаги сабодай.

Тоғларнинг ўнгуридан ўкиргувчи шалола
Бриллианд қатрасида олтин қум оқизгуси.
Чанғида шувиб юрган ёшларнинг юзи лола,
Тепиб турган юраги гўё қуёш кўзгуси.

Бу Сир демак, бу Аму, бу Зарафшон бу Сурхон,
Бу водий, бу воҳадир, бу текислик, бу замин.
Бу ер — она еримиз, кўзимизга минг жаҳон,
Бет суртиб эркалаймиз ўз ватанинг сийнасин.

Қумурсқа, ипак қурти, бол аридай заҳматкаш
Тинмагур халқимизнинг эрта куни бошланур.
Ҳозир-ку, қиш чилласи дилда баҳор аралаш,
Бу кунинг кўзгусидан иқбол кўзга ташланур.

Ишчининг томиридай бўртиб кетар, кўрсангиз,
Айқин дарёларимиз олма гули маҳалда,
Бултурнинг камолидан бу йил ўзиб кетамиз,
Чанғида шувганлар ҳам эртага — универсалда.

Истиқболни кутайлик, анъана бузилмасдан —
Субҳидам қадаҳида уфқранг шароб ила
Кеча ёққан янги қор гард қўниб эзилмасдан
Жўралашиб кетайлик сайёҳ офтоб ила.

Қутлуғ йилнинг тонгида қутлуғ сатрлар ёздим,
Яхши бошланган ишнинг яхшидир оқибати.
Халқим билан ҳамнафас шунча баҳор ўтказдим,
Эндиги ижоднинг ҳам чашмаси эл ҳиммати.

ХУШХАБАРЛАР

● ОРОЛ БУЙИДА «ОКТЯБРЬ» СОВХОЗИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАНИГА БИР ЙИЛ БУЛДИ. ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА БУ ЕРДА 110 УЙ ҚУРИЛДИ, ХОНАДОНЛАР ИЛЬИЧ ЧИРОҚЛАРИ БИЛАН ЧАРОҒОН ЭТИЛДИ, ГАЗЛАШТИРИЛДИ. БИРИНЧИ ЙИЛНИНГ ЎЗИДАЕҚ ЯНГИ ЕРЛАРНИНГ ҲАР ГЕКТАРИДАН 24 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ ОЛИНДИ.

ҚУРИҚҚА ҲУЖУМ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Н. МАДГАЗИН.

● Фарғона уй қуриш комбинати коллективи пландан ташқари 44 квартирали уй қуриб, фойдаланишга топширди. Бу комбинат етти йилликнинг олтинчи йилида 1670 квартира қурди.

В. ПРИШЧЕПА.

● *УРГАНЧ ШАҲРИДА ЯНГИ СУТ-ЕФ ЗАВОДИ ҚУРИЛИБ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.*

А. ЭШМАТОВ.

● ИШТИХОН РАЙОНИ МАРКАЗИДА ЮЗ ЎРИНЛИ ИККИ ҚАВАТЛИ КАСАЛХОНА БИНОСИ МУДДАТИДАН ОЛТИ ОЙ ОЛДИН ҚУРИЛИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

Э. ҲОЖИҚУРБОНОВ.

● НУКУС ШАҲРИДА САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ЖОНАЖОН ҮҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗГА ЯНГИ ЙИЛ МУНОСАБАТИ БИЛАН 20 МИНГ СОВҒА ТАЙЁРЛАДИЛАР.

Е. КАРАКУЛОВА.

● Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси етти йилликнинг олтинчи йилида юз хил янги бичимда кийим-кечак тикишни ўзлаштирди. Аёллар ва болалар учун сув ўтмайдиган газламадан 16 минг дона хушбичим, сунъий мўйна ёқали пальто тикилиб, янги йилга тайёр қилинди.

Савдо ташкилотларидан 1965 йилги заказлар қабул қилинди. Биринчи ярим йилда фирма коллективи кийим-кечакнинг яна 76 хил янги моделини ўзлаштиради. Кийим-кечак фақат тошкентлик моделсозлар яратган намуналарга қарабгина эмас, балки москваликлар, ленинградликлар, эстонлар тикаётган энг яхши бичимларга қараб ҳам тикиб чиқарилади.

(ЎзТАГ).

20 ХИЛ ЯНГИ МАҲСУЛОТ

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Шаҳардаги «ВЛКСМ 20 йиллиги» тикувчилик фабрикаси давлат планини аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига бажариб ҳамда материал ва маблағни тежаб қолишда областда ташаббускор бўлган эди. Фабрика коллективи ўз сўзининг устидан чиқди, йиллик программани муддатидан 6 кун олдин бажарди. Шу муддат ичида 22 минг метр газлама тежаб қолинди. Маҳсулот таннархи 34 минг сўмга арзонлаштирилди. Ишлаб чиқарилган кийим-кечакларнинг 96,6 процента аъло сортларга қабул қилинди. Бу, пландагидан 1,5 процент кўпдир.

Фабрика коллективи савдо ташкилотлари ва истеъмолчилар талабларини ҳисобга олиб, кийим-кечакнинг 20 хил янги моделларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Пландан ташқари 83 минг сўмлик жамғарма тўпланди. Тикувчилар 1965 йилнинг биринчи ўн кунлик топширигини ҳам бажариб қўйдилар. Бу муваффақиятни қўлга киритишда А. Лисенко бошлиқ 3-тикувчилик цехи, М. Королева, С. Санджонова, Н. Данилова ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари катта ҳисса қўшдилар. Улар янги йилнинг биринчи ярим ойлик топширигини ҳам бажариб қўйдилар.

М. БАҚОЕВ.

ЯНГИ ЗАВОДЛАР

Наманганда 10-қурилиш трести коллективи янги йилни ажойиб меҳнат совғалари билан кутиб олди. Трестнинг ишчан бинокор ва монтажчилари куни кеча шаҳарда йилига ўн минг банка консерва ишлаб чиқарадиган янги консерва заводини ҳамда Наманган ёғ заводида суткасига 320 тонна чигитни қайта ишлайдиган экстракция цехини фойдаланишга топширдилар.

Андижондаги 162-қурилиш трестининг бинокорлари эса янги йил арафасида йилига 6 миллион банка томат консерваси тайёрлайдиган янги заводни қуриб битказдилар. Заводга Венгрия Халқ Республикасидан келтирилган «ЛАНГ» маркали томат консервалари ишлаб чиқарувчи автомат линия ўрнатилган.

Навоий химия комбинатида 1965 йил бўсағасида донадор аммиак селитраси ишлаб чиқарилди. Бу — комбинатни қурган кишилар, унинг ускуналарини монтаж лаган ва созлаган мутахассисларнинг ажойиб совғасидир. Сиз суратда яқинда фойдаланишга топширилган кучсиз азот кислотаси цехининг кўринишини ва ана шу цех ускуналарини монтаж қилишда намуна кўрсатиб ишлаган Н. Журавлев ва Отто Цейс ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

Ҳамид ҒУЛОМ.

Парвозлар

ТУН, СОАТ ЎН ИККИ... Радио тўлқинлари улуғ пойтахтдан қурант жаранг-журунгини келтиради. Соат мили ўз вазнида салмоқдор юради. Унинг вазмин зарбларини ҳаяжонланиб тинглаймиз. Ўн икки равон урғу... Демак, йил тугади. Демак, янги кун, янги ой, янги йил бошланди.

Қандоқ бўлади бу янги, 1965 йил? Не шодликлар, ғалабалар, ўзгаришлар, умидлар келтиради у бизга?

Ким, қўлда гулгун қадаҳ, ким бир пиёла муаттар чой билан кечаги ва эртаги кунни ўйлайди, чунки янги йил кутилган дақиқа шу икки вақт: ўтмиш ва истиқбол ўрталигидаги марра. Бу бир юксак довон. Орқага қараб, ўтган йил кўламини ва олдинга қараб, янги йил уфқини кўрасиз.

Сиз билан биз ҳам, ватандош, шу довон — чўққида бир нафас тўхтаб, ўйимизни ўйлаб, сўзимизни сўзлаб олайлик. Ахир, шу дақиқада умримизга бир ёш қўшилди, мулоҳазалироқ, мукамалироқ бўлиб қолдик, ақлимиз ҳам анча тўлишди.

Мамлакатдаги ишлар, оилалардаги бахт-саодат, халқимизнинг сиҳат-саломатлиги, кексаларнинг пири-бадавлатлиги ҳаммамизни мамнун қилади. Ўтган, 1964 йил орзулар ушалган йил бўлди. Ризқимизни бутун қилган йил. Бўни шундан ҳам билса бўладики, хориждан олтинга ғалла сотиб олишдек номаъқул ишларга барҳам берилди. Давлат, халқ омборлари ўз буғдойимиз, арпамиз, шолимиз, жавдаримизга тўлди.

Парвозлар йили бўлди тарихий 1964 йил!

Ватанимизнинг тиниқ осмонига бир қаранг, «Ту»лар, «ИЛ»лар, фазо кемалари сайр қилиб юрибди. Лочинларга аэродромлар торлик қилянти. Космодромда машқлар жадал. Кўп ўринли фазо кемаси жаҳонни ҳайратга солди. Буюк авиация давлати СССРимиз!

Лекин парвоз деганда биз фақат бу хил учишларнигина кўзда тутмаймиз. Биз, аввало, орзулар, ижодлар парвозини тушунамиз. Ахир, буюк дарё Ангаранинг азамат тўғон билан тўсилиши, Енисейга бошланган ҳужум, Вилюй бағрида тикланган ГЭС, қадимий Кармана ёнбошида қурилган социалистик Навоий шаҳри, Бухоро — Урал газ қувури, Кремль Съездлар саройидаги санъат байрамлари ва яна ўнлаб, юзлаб шу каби мўъжизалар инсон ақли, истеъдоди, камолотининг юксак парвози эмасми?

Парвоз. Бу улуғ сўз. Парвоз билан озодлик эгизак. Октябрь бизга чинакам озодлик, фаровонлик бахш этди. У бизга ижод завқи, илҳомини берди. Ленин ишига содиқ КПСС халқларни бир оилага бирлаштириб, оламшумул парвозлар йўлига олиб чиқди. Партия XXII съезди коммунизм қурилишининг аниқ программасини чизиб берди. 1964 йил шу программанинг дастлабки конкрет ифодаси — шонли етти йилликнинг олтинчи йили бўлди. Янги, 1965 йил бошланиши билан биз унинг сўнгги еттинчи йилига қадам қўйдик.

Ўтган йил Ўзбекистон учун ҳам тарихий парвозлар йили бўлди. Шон-шарафимиз пахтадан рекорд ҳосил олинди. Пилла, қоракўл тери, ғалла, полиз, сабзавот, мева мўл бўлди. Саноатимиз гуркиради. Санъатимиз яшнади.

Янги ҳаёт ижодкорлиги йўлида Ўзбекистонимиз парвозларининг аҳамиятини англамоқ учун бир бор Ватандан олисроққа сафар қилиш шарт. Чунончи, куз фасли Африканинг бир қанча мамлакатларида бўлиб, халқимиз яратган мўъжизаларга ҳавас нақадар зўрлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Қитъанинг ғарбига, Атлантик океан қиргоғига ёнбошлаган Дакар шаҳрида Сенегал президенти шоир Леопольд Сенгор ҳар гал учрашганимизда Ўзбекистонда ирригация қурилиши ҳақида мароқланиб гапиради ва бизнинг тажрибамиздан фойдаланиш орзусини баён қилади. Бомако шаҳрига Мали министри Мадейро Кейта Ўзбекистонда бўлганини ҳикоя қиларкан, Мирзачўлда кўрганларини — янги каналлар, пахтакор совхозларни эслади, ўз республикасини Ўзбекистон каби ривожланган, фаровон кўриш ниятини айтди. Бомакода ГДР элчихонаси уюштирган қабул маросимида французлар билан учрашиб қолдим. Улар менинг Ўзбекистондан келганимни эшитиб, қуршаб олишди. Улардан бири, коммунист инженер бундай деди:

— Ўзбекистон тажрибаси Африкадаги Мали каби ёш республикаларга ниҳоятда зарур. Сизнинг тажрибангиз буларга олис, машаққатли йўлни тезроқ, осонроқ ўтиш, социализмни муваффақиятли қуриш имконини беради.

Ўтган, 1964 йил Совет Иттифоқининг, шу жумладан Ўзбекистонимизнинг жаҳон халқлари билан дўстлик, қардошлик алоқалари янада мустаҳкамланган йил бўлди. Ҳа, сўзда эмас, амалда шундай бўлди. Ер юзидаги янги мустақил ҳаёт, социализм қураётган қайси бир мамлакатга борманг, совет мутахассисларини, совет техникасини, совет тажрибасининг самарали татбиқ қилинаётганини кўрасиз.

Ўтган йили биргина Тошкент корхоналари дунёнинг олтмиш мамлакатига маҳсулотини юборди.

Ўтган йилнинг меҳнат мўъжизалари, буюк парвозларимиз санаган билан тугамайди. Аммо бир ҳақиқатни — чинакам халқ ва партия демократиясининг парвозини алоҳида таъкидламоқ даркор. Совет халқини, жами дўст халқларни қувонтирган бу жасоратли парвоз КПСС Марказий Комитетининг октябрь ва ноябрь Пленумларидир. Бу Пленумларда шахсга сиғиниш касофатининг сарқитларига қаттиқ зарба берилди. Марксизм-ленинизмнинг тарихни халқ яратади, коммунизм халқнинг қўли, ақли, қудрати билан қурилади, деган қоидаси тантана қилди. Халқ орзу ва продасининг ифодачи ва ижрочиси бўлган партия коллектив раҳбарлигининг муқаррар принципини тағин бир марта намойиш қилди.

Сен билан биз, азиз ватандош, икки улуғ йил чегарасида, азамат довон тепасида Кремль курантининг жарангдор зарбларини ҳаяжонланиб тингларканмиз, ана шу ҳақиқатни қайд этамиз ва халқимиз билан бирга енгил нафас олиб, янги йил уфқини кўздан кечирамиз.

Кўряпсанми, дўстим, ҳов... Шарқдан, Амурдаги Комсомольск шаҳри томондан ёрқин қуёш баркаши кўтарилянти. У — янги йил биринчи кунининг заррин машъали. У дарёлар, ўрмонлар, тоғлар оша биз томонга — Сибирга, Қозоғистон, Тошкентга келянти. Биз унга салом берамиз, қутлаймиз:

— Ассалом, янги, 1965 йилнинг омонлик, фаровонлик офтоби!

Янги йил қуёшини биз билан бирга кўнгли умид, орзуларга тўла ҳар бир инсон олқишлайди.

Қуёш шўъалаларига чулганган Советлар диёрининг истиқболи шу абадий машъалдай нурли. Жонажон Совет ҳукуматимиз янги йилни миллион-миллион ишчи, хизматчиларнинг маошини оширишдан, армия харажатларини қисқартиришдан, уй-жой қурилишини кенгайтиришдан, оқ нонни кўпайтиришдан бошлади. Ҳамма нарса халқ учун, меҳнат аҳли учун. Бу олий инсонпарварлик шиори амалга ошяпти.

Ҳа, ҳамма нарса халқ учун. Чўллар ва дарёлардаги буюк қурилишлар, тайгалар оша очилаётган йўллар, янги шаҳарлар, атом электростанциялари ва музёрларни, фазодаги кемалар, домналардаги пўлат алангалари, ёв йўлини тўсишга шай турган ракеталар... ҳаммаси, ҳамма сен кишиси учун.

Янги йил режалари эски йил якунларига қараганда янада мўлроқ, зўрроқ. СССР Олий Совети сессиясида тасдиқланган рақамлар устида чуқурроқ ўйламоқ, тафаккур қилмоқ зарур. Қонундаги ҳар бир рақамни жонлантириб кўринг. Шунда сиз давлатимиз қудрати нақадар юксалганига, халқимиз коммунизм сари собит қадамлар билан бораётганига тан берасиз.

Партия Программасини халқ адо этади. Келажак — бугун янги йилни ишонч билан кутаётган ватандошларимиз қўлида. Ватанимиздаги ишларнинг муваффақияти шулар ақли ва заковатининг, истеъдоди ва меҳнатининг парвозига боғлиқ.

Янги йилни янги режалар билан кутаётган шу эзгу дақиқаларда меҳнат ва ижод парвозлари кўпроқ бўлишини орзу қилайлик.

Хуллас, орзумиз шуки, янги йил янги бахт-саодатлар йили бўлсин.

Янги парвозларга отланган ишчилар, пахтакорлар, боғбонлар шоирлар, олимлар, жамийки касб эгалари ўз орзуларига мукаммал етишсинлар.

Ватанимизнинг узундан-узоқ чегараларида, Қорақум бўронларида, Помир чўққиларида, кўкда ва сувда, ерда ва ҳавода янги йилимизни, тинчлигимизни, истиқболимизни ҳушёр қўриқлаб турган азамат ҳарбийларимиз омон бўлсин.

Янги йилда жаҳонда тинчлик қарор топсин. Конгодан Бельгия ва Америка жаллодлари қувилсин. Жанубий Вьетнамда мустамлакачиларга қирон келсин. Мозамбикда озодлик жангчилари ғалаба қозонсин. Куба шакарқамишдан мислсиз ҳосил олсин. Ҳамма эллар, ҳамма элатлар ўз муқаддас мақсадларига етсинлар.

Янги йил—янги парвозлар йили бўлсин, азиз ватандошлар!

ҚАДАҲ КЎТАРГАНДА...

Янги йил дастурхони даврасида яхши ишларимиз қайд қилинади. Янги йилда янги бахт-саодат, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз бир-биримизга. Бу жуда яхши одат. Бироқ эски йилда рўй берган айрим кўнгилсиз ишлар ҳам бор. Шулар ҳақида ҳам гапирса бўлмайдими? Бўлади! Ахир қилинган ишларга холис баҳо бериш керак-да. Кеча қадаҳ кўтарганда қўйидаги гаплар кўнглимга келди.

КАФТИДА ҚУЁШ ТУТГАНЛАР

Ҳа, бу қадаҳни кафтида қуёш тутган кишилар — химикларнинг саломатлиги, ижодий камолоти учун кўтараман. Дарҳақиқат химияни қуёшга ўхшатиш мумкин эмасми! Химия бобида одамни қайратга солаётган янгиликларни яратаётганлар, химияга бутун юрак қўрини тўкаётган кишиларни кафтида қуёш тутганлар дедим.

Дарвоқе, янги йил арафасида кўҳна Кармана—ҳозирги Навоий шаҳрида, чўли Маликнинг бўйинида яна бир «ҳосил фабрикаси» ишга туширилди. Дастлабки донадор аммиак селитраси ишлаб чиқарила бошланди. Пахтакорларимиз химиклардан кўплаб ўғит оладиган ва мўл ҳосил етиштирадиган бўлдилар. Навоий химия комбинатида тайёрланган минерал ўғитлар Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё областларида деҳқончиликни яна ҳам ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади. Бу қадаҳни чўл чаккасига гулдаста бўлиб тақилган химия комбинатининг осмон ўпар цехларини муддатидан илгари ишга туширган қурувчилар, монтажчилар, мутахассисларнинг ажойиб ғалабаси шарафига кўтарайлик.

Шу қадаҳни қўлимга олишим билан янги йил арафасида, 29 декабрь куни аммиак селитраси цехида ишлаб армондан чиққан кишиларни эсладим. Динора Эргашева бошлиқ смена аппаратчилари, Валентина Шаталова бошлиқ цех азаматлари ва Александр Гордеев бригадасининг ишчан аппаратчиларини шу муборак дамларда эсга олмоқдаман. Ҳорманг энди, кафтида қуёш тутган ва мўъжизасиз мўъжизалар яратаётганлар.

ЭСКИ ЙИЛДАН ҚОЛГАН ИШЛАР

Ўтган куни туфли мойлайдиган устага бордим. Магазинчи танишимиз келиб қолди. У туфлисини сотиб олганига икки ҳафта бўлмай жағи йиртилганини айтди. Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида тайёрланган экан.

1-фабрика, Фарғона пойафзал фирмасида маҳсулотларнинг бир қисми қўл учида тайёрланганидан магазинларда, омборларда чанг босиб касод бўлиб ётибди. Ахир корхоналар фаолиятига тайёрлаётган маҳсулотларининг ҳажмигагина қараб эмас, сифатига, истеъмолчиларга қанчалик манзур бўлаётганига, чаққон сотилаётганига қараб баҳо берилмоқда-ку! Шунинг учун навбатдаги қадаҳни пойафзалчиларнинг янги йилда сифатга асосий эътибор беражакларига истак билдириб кўтардим.

Ўтган йилдан ҳамма миннатдор. Кеча янги йил дастурхони даврасида айтилган кўп сўзлар ана шунга гувоҳ. Аммо халқимиз орасида «Ўтган йилдан қолган иш борми?» деган гап бор. Ҳа, сифати пастлигидан сотилмай қолиб кетган, ҳузурини омбор кўраётган истеъмол товарлари ўтган йилдан қолган ишлар эмасми? Етти йиллликнинг охирги йилида ўтган йилдан қолган ишлар бўлмайди.

БИР ЙЎЛА ИККИ ЙИЛНИ НИШОНЛАГАНЛАР

«Ташавтомаш» ва Тошкенткабель заводларининг шерфилаклари! Мақтаса мақтагудек иш қилдингиз. Суръат қанотида учиб, йилларга бар тутқазмадингиз. Муддатидан 13-15 ой илгари баҳодир етти йиллик маррасига етиб олдингиз.

Кейинги вақтда кабелчи-прокатчилар Бутуниттифоқ рекордлари жадвалига янги тузатиш киритганлиги барчани хушнуд этди. Мутахассислар ҳисоблаб чиқишди: сизнинг корхонангизда прокатчилар ҳар соатда тайёрлаган маҳсулот Иттифоқимиздаги бошқа шундай корхоналарда тайёрланганига қараганда беш тонна ортиқ!

Кетма-кет рекорд кўяётганлигингиз кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етти йиллик маррасини барвақт эгаллашингизга имкон берди. Бошқалар ҳам суръатда сиздан ибрат олмоқда.

«Ташавтомаш» заводининг меҳнат аҳли пахтани қоп-қанорсиз ташишга мўлжалланган прицеплар тайёрлаш билан ҳамма пахтакор республикалар иззат-икромига сазовор. Ташавтомашчилар етти йиллик планни 15 ой аввал бажариб қўйдилар. Бир йўла икки йилни нишонлаётган ана шу коллективлар янги йилда яна ҳам катта одим ташлашларига ишонамиз.

«Тўлдириб қуй қадаҳларни янграсин гулёр!» дейилади қўшиқда. Қадаҳларни кўтара туриб, саноатимиз меҳнаткашларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва улкан зафарлар тиладик.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

ДУГОНАЛАР, САФИМИЗГА ҚЎШИЛИНГ

Раъно АМИНОВА,
Мирзачўлдаги «Пахтакор» совхозининг бригада бошлиғи.

Мирзачўлга кўчиб келганимизга ҳам уч йил бўлди. Лекин шу қисқа давр ичида асрлар мазмунига тенг келадиган улкан ишларни амалга оширдик. Лоақал, бизнинг совхозни олиб қарайлик. У кейинги йилларда чўл юзига холдек ярашиб қолди, йирик пахтакор хўжаликка айланди. Давлатга «оқ олтин» етказиб бериш планини 1964 йил ҳам муддатидан илгари ошириб бажарганлигимиз бунга далилдир.

Режаларимиз катта. Янги йилгача 1.800 гектар ер очдик. Бизнинг бригадамиз ҳам яна 200 гектар чўл ўзлаштириб, бошқа участкага кўчди. Бу йил чигит эккан унумдор ерларимизни бошқа бригадага топшириб, бутун бригада янги ерда пахта етиштиришга аҳд-паймон қилдик.

Давлат билан тузилган шартномага асосан янги очилган ерларнинг ҳар гектаридан 10 центнердан пахта топширишимиз керак. Бироқ биз бу кўрсаткич билан ҳеч қачон қаноатланганимиз йўқ ва қаноатланиб қолмаймиз ҳам. Гектаридан камида 25 центнер «оқ олтин» кўтариш учун бутун куч ва ғайратимизни сарфлаяпмиз. 200 гектар ернинг ҳаммаси сифатли шудгорлаб қўйилган.

Мен бу йил ҳам «зангори кема» штурвалига ўтираман. Азиз дугоналар, чўлқуварлар сафига қўшилинг! Мирзачўлни коммунизмнинг мўл-кўлчилик диёрига айлантирайлик.

ЧЎЛГА САЁҲАТ

ОНА-ЕР ҚЎШИҒИ

ТОНГ нафасидан сесканган тун увада этакларини жимгина йиғиштириб олиб, Аму қирғоғидаги қамишзорлар, жарликларга бекинди. Утовдаги манқалда ловуллаб турган саксовул оловининг устини кул қоплай бошлади. Жабр ота эса ҳамон ҳикоя қилар, Саксондара томондан икки кундан буён тинмай қутуриб эсган чўл шамоли ҳам чолга қулоқ тутгандек тинди, жим. Мен ҳаяжонлана бошладим: кўрган ва эшитганларимни, бу саҳройи-азимнинг мунгли ўтмиши ва кулган истиқболидан азиз газетхонга манзур бўларли бирор калима сўз айта оларминанман? Е ўтмишдан сўз очайми:

Улкадан-ўлкага ел каби юрсам,
Гунларнинг бирида ёр юзин гўрсам...
Додлама, додлама, дод саси галди,
Қаршининг чўлидан ёр саси галди.
«Сайрасам, яйрасам кенг фазоларда»
Ёр ҳидин исласам хуш ҳаволарда...

Йўқ, йўқ! Булар ҳаммаси бизларга аён, дер ўқувчи. Нима қилсам? Бахши бўлганимда Амуден жўшиб, тўлқинланиб она-ер қўшиғини куйласам.

Фикрларим чувалашиб турганда Жабр отанинг невараси Диёр уйғониб, уйқули кўзларини уқалаганча бобосининг тиззасига келиб ўтирди. Чол унга катта косада шопирилган сут берди. Бола сутни шимириб, чолни саволларга тутди:

— Бува, нега соқол-сочингиз қордай оқ?

— Қариганманда, бўтам.

— Нега қаригансиз?

— Кўп йиллар яшаганманда, бўталоғим.

— Нега кўп йил яшагансиз.

— Мен йилларнинг бирортасини ҳам йўқотмай бир-бир тўплайман.

— Қани, кўрсатинг-чи, қаердайкан ўша йиллар?

— Отанг боқиб юрган колхоз қўйлари, сени ялинг, мактаб, уйлар, ана у катта боғ, каналлар—шулар ҳаммаси мен тўплаган йиллардан бўлган, бўталоқ. Бизлар йиллардан боғлар, шаҳарлар бунёд этамиз.

— Бува, бува, — бола чолнинг бўйнига осилди,—жуда кўп қўшиқлар айтасиз, ким ўргатган сизга?

— Ер ўргатган, бўтам.

— Ер... ер дедингизми?! — бола ҳайратдан киприкларини пир-пир учирди.

— Ҳа, ер. Чарчаганда қулоғингни шундай ерга қўйсанг у сенга куч-қувват бахш этади, ашулалар айтиб беради. Ер жонли нарса, ҳар йили кишиларга ҳосил туғиб беради, қўшиқ айтади, йиғлайди, кулади...

ДИЁР ер қўшиғига қулоқ тутган ўтовдан югуриб чиқиб кетди. Юринг, юз эшитгандан бир кўрган афзал. Қарши чўлининг бугуни ва эртасига саёҳат қилиб, саҳро қўшиғини тинглайлик. Жабр ота отарни ўғли Абдумуродга топшириб, бизга ҳамроҳ бўлди: Сафаримиз узоқ. Уч сунъий денгиз, юзта янги совхоз, икки дарё, ўнлаб шаҳару шаҳарчалар, икки канал, эллик завод яна-яна... эҳ-ҳе қанча-қанча ерларни кўришимиз керак. Қисқаси чўлу тоғ-тош, яйлову бўз оша икки миллион гектарли воҳани кезамиз.

Машинамиз Қаршидан Қашқа дарёси ёқалаб кунчиқарга 70 километр юриб, Чимга етди. Олдимизда 7 километр узунлик, 36 метр баландликдаги қаср пайдо бўлди. Бу чўлдаги тўғнич сунъий денгиз — Чимқўрғон тўғони. Чўлқуварлар уни етти-саккиз йилда қурдилар. Ўтган йил бу ерда қарийб 500 миллион кубометр сув тўпланган эди. Бу Косон, Бешкент, Қамаши даштларидан 50 минг гектардан ортиқроқ ерни суғориш имконини берди. Кўчкининг шарбат боғлаган қора анжири, Муборакнинг тилёрар ҳусайниси, Бешкент яйловларининг ширадор ўти, Қарши ипак пахтасининг ҳар бир толасига ана шу ҳаётбахш сув сингган.

Машина спидометри «125» рақамини кўрсатяпти. Ҳа, 125 километр йўл юрибмиз. Олдинда қорли чўққилари жилоланиб Ҳисор тоғлари кўрина бошлади. Унинг этагида воҳанинг гул ва сабзалар шаҳри, қишин-ёзин кўм-кўк — Шаҳрисабз ястаниб ётибди. Жаҳондаги етти мўъжизанинг бири, Ҳиндистондаги Тож Маҳалнинг «синглиси» — Оқ сарой шу ерда. Лекин қадимий Шаҳрисабз эски ёдгорликлари билан эмас, қурилиш ҳавозалари билан кўркам. Бу ерда чўлқуварлар саломатлигини сақлаш учун Мироқи қишлоғида боғ шаҳар, курорт шаҳар барпо этилмоқда. Ҳа, чўлқуварларнинг ўз курортлари бўлади. Уларнинг фарзандлари ҳам шу Оқсув дарёси соҳилларидаги санаторийларда сув, ҳаво, қуёш билан «дўстлашади». Шаҳрисабзда чўлқуварлар учун қишлоқ хўжалик техникуми очилди. Бу ерларнинг таъриф-тавсифини айтмасан ҳам бўлади, чунки район ва қишлоқлар номининг ўзи — кифти об (Китоб), шаҳри сабза, Варганза (Гуллар дараси), Қайнар (қайнар булоқлар) унинг «таржимаи ҳоли»нн айтиб турибди.

Чўлда чироқ ёқиб, ҳар йили Ватан хазинасига икки миллион пуд дон тўкаётган Чироқчи ғаллакорлари, якка боғларни бирлаштириб, уфққача чўзилган яхлит боғлар бунёд этган Яккабоғ соҳибкорлари билан суҳбатлашиб, Жайхун томон йўл олдик. 152 километр узунликдаги нафтдек текис Қарши—Таллимаржон—Амударё йўли, Навоий—Қарши—Амударё юқори вольтли электр ўтказиш линияси, телефон симлари дашт ҳуснига ҳуси қўшган.

Машинамиз елдек учиб борарқан узоқ-узоқларда улкан кўллар ялтираб кўринди.

— Саробми? — сўрадим. Жабр ота кулди:

— Бўтам соддасидаз. Ҳайданг ўша ёққа.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас тўлқинлари қирғоқни ўпиб ётган уч қиргоқсиз денгизга етдик.

— Шўрсой, — деди чол. — 2,5 миллиард кубометр суви бор. Ҳув, ана униси — Таллимаржон, 1,2 миллиард суви бор. Ўз қўлимиз билан қурган 200 километр узунликдаги Қарши магистрал каналидан оқиб келган бу сув. Илгари бу ерлар нарвонларни дақшатга соладиган Нишон чўллари эди. Энди Нишонда гуллар ўсяпти.

Йўл-йўлакай чўлда янгидан қад кўтарган Қизилоёқ, Таллимаржон шаҳарчаларини, Ғузор дарёсида қурилган Пачкамар сув омбори, Човқой гидроузелларини кўриб ўтдик.

Кўм-кўк лентадек каналлар, коллекторлар, чўл чеҳрасида камон қошдек ярашибди. Чўлқуварлар она-ерни ардоқламоқдалар, унинг шўр босишига йўл қўймаслик учун Жанубий, Марказий, Шимолий коллекторлар қуряптилар.

КЕЧ бўлиб қолди. Йўлимиз эса ҳали олис. Қаршидан Амударёгача чўзилиб кетган бахмал боғлар, экинзорлар, трубалари осмонга бўй чўзган корхоналар олдинда турибди. Ҳали йўлимизда ҳар бири 10 минг гектар экинзорли 100 совхоз, 12 ёғ-экстракт ва мева-консерва заводи, 40 пахта заводлари саф тортган. Буларни албатта кўрамиз, йўл-йўлакай ўзимиз ҳам кўрамиз, албатта кўрамиз, дўстлар.

Ҳозирча Жабр отанинг ўтовига яна қайтиб, манқал атрофида гурунглашайлик. Сут ичиб, баҳслашайлик. Бу саёҳат қиссасининг қиссасини ҳам ўша ерда эшитасиз. Жабр ота Сизга Қарши даштни тўла ўзлаштирилганда ҳар йили Ватан хазинасига 2 миллион 25 минг тонна пахта топширишини, бундан 4 миллиард 880 миллион метр газлама тўқилишини ҳам, 460 минг тонна кунжара, 174 минг тонна ёғ, 71 минг тонна линт олинишини ҳам, 8700 тонна пилласи билан эллиқ шойи-ипакка бурқашини ҳам ҳамма-ҳаммасини айтиб беради. Бу рақамлар чўлни ўзлаштираётган замонамиз фарҳодлари шаънига айтилган мадҳ, Она-ернинг дилбар қўшиғидек янграйди.

Самар НУРОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ № 2

1 ЯНВАРЬ, 1965 ЙИЛ
№ 1 (12.957).

ЗАМОН ЯХШИ-ДА, АЙЛАНАЙ!...

ҲИКОЯ

БУГУН янги йил арафаси эмасми, такси топиш жуда қийин бўлди. Обиджон ака ўрга машина топиб, волидаи муҳтарамани, хотинини ўтказиб вокзалга жўнади. Узоқдан ранг-баранг чироқларга кўмилган вокзалнинг муҳташам биноси кўриниши билан кампир пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

— Ҳа ойи, тағин нимага йиғлайсиз? — олдинги ўриндиқда ўтирган Обиджон онаси — Нусрат хола томонга ўгрилди. — Неварамни соғиндим, янги йилни у билан бирга кутаман, дедингиз, хўп дедик. Мана, ярим соатдан кейин поезд жўнайди. Олган совға-саломингиз бўлса бутун бир районга етади.

Нусрат хола индамас, тиззасига қўйиб олган каттакон тугунни бағрига босиб, ўзича хўрсинарди.

— Ойи, бирон нимадан ҳавотир олаяпсизми? — гапга аралашди келин бола. Нусрат холанинг ўзи уни шундай деб атарди. — Ҳеч нимадан ҳавотир олманг. Содиқжонга телеграмма берганмиз. Сизни у вокзалда кутиб олади. Кўнглингизни тўқ қилиб, ўйнаб-кулиб кетавермайсизми?

— Кўнглим тўқ ҳалиям, — Нусрат хола узоқ сукутдан сўнг кўнгил ёрди, — вокзални кўриб неварамни кузатганим эсимга тушиб кетди. Ўзингиз ёш бердинглар, бўлмаса, болагинам Мирзачўлдай дашт-биёбонда юрмай ҳозир иссиққина бағримда ўтирган бўларди! Нима, Қишлоқ хўжалик институтини битирган бўлса шундай Тошкенти азимда унга иш топилмасмиди! Мирзачўлга бораман, деса икковинг ҳам индамай қолавердинг-лар! Вой тобба-ей, одам ҳам ўз фарзандига шундай бемеҳр бўладими?

Обиджон ҳам, келин бола ҳам индашмади. Бу — оиладаги энг нозик гап мавзуи эди. Айтар шу топда Обиджон ёки келин бола бир оғиз гап айтса Нусрат холадан балога қолади. Уларнинг гуноҳи шуки, Содиқжон институтни битириб Мирзачўлга кетаётганида олиб қолишмаган. Очиғи, олиб қолишга ҳаракат ҳам қилишмаган! Содиқжоннинг жўнаб кетганига ярим йилдан ошди-ю, кампирнинг гина-кудурати ҳалигача тамом бўлмайди. Охири, «янги йилни неварам билан кутаман» деган гап чиқди-ю, эр-хотин «ўз гуноҳлари»ни ювиш учун дарҳол рози бўлишди. Тайёргарлик ишлари қизиб кетди. Кампир: «Содиқжон беки мураббони яхши кўрарди» деб, атайи мураббо пиширди, икки тандир ёғлиқ патир ёпди, бир неча даста қатлама қилди, қази пишириб олди, «неварамнинг юрган ери дашт экан» деб бир чемодан олма, анор, беҳи, узум олди. Қисқаси, мана катта бир чемодан, иккита тугун, ёнида бир сетка юк билан Мирзачўлга кетяпти.

Обиджон билан келин бола «бу ташвиш ноўрин» эканини ёғиги билан тушунтиришди, Мирзачўлнинг отигина чўл эканини айтишди.

— Йўқ, болаларим, нима десанглар денглар, лекин, ўзимга қўйиб берінглар — кампир оёқ тираб туриб олди. — Раҳматли чолим билан биз ҳам Мирзачўлга от-аравада борганмиз. Етти кун йўл юриб, кўзлаган манзилга етолмай қайтиб келганмиз. Ўшанда сувсиз ўтирганимиз, ҳай-ҳай, овқатсиз қолганимиз ҳали-ҳали кўз олдимда...

— Ойи, ахир бу 30 йил олдин эди-да!..

— Чўл: бари бир чўл-да!

Такси вокзалга кириб келиб, ҳаммалари юкларни кўтариб перронга чиқишди.

— Келин бола, Содиқжонга дилгром бергансиз-а? — Нусрат хола билиб туриб яна сўради.

— Берганман, ойи, берганман. Содиқжон сизни перронда кутиб олади.

Кампир ўғли, келини билан хайрлашаркан яна кўз ёши қилди.

— Ойи, неварангиз олдида жудаям қолиб кетманг, биз кутамиз-а!

Поезд йўлга тушди. Нусрат хола вагон ойнасидан ташқарини томоша қилиб кетди. Ҳаёлга толди. Кўз олдида ҳамиша кулиб турадиган Содиқжон. Мана у Мирзачўл вокзалида бувисини кутяпти. Кўзи йўлда бола бечоранинг...

Нусрат хола ўғлидан ҳам Содиқжонни яхши кўрарди. Жони-тани эди у! Туғилибдики, бувиси унинг атрофида гирди-капалак, топганини олдига қўйган, ювиб-тараган, силаб-сийпаган. «Итга қоптирмадим, туяга тептирмадим» деган нақл ҳам аслида Нусрат хола билан унинг невараси хусусида тўқилган бўлса керак.

Содиқжоннинг бўйи чўзилиб мактабга борадиган бўлди. Нусрат хола уни мактабга ҳам етаклаб бориб, ўқиш тугагач, етаклаб келарди. Кампир неварасини на қўкка ишонар, на ерга! Йиллар ўтиб, Содиқжоннинг устки лабида қора майса сабза ўрди. У энди Қишлоқ хўжалик институтининг студенти. Лекин, Нусрат холага у ҳали ҳам ёш ниҳол, куртак, бола... «Шамоллаб қоласан» деб бўйнига шарф ўраб, оёғига калиш кийгазади...

Мана шу ёш ниҳол денг энди ҳувуллаган Мирзачўл даштида! Ўй билан, мудраш билан Нусрат хола Мирзачўлга етиб келганини сезмай қолди. Проводник аёл унинг юкларини туширишга ёрдамлашгани келганда ҳам Нусрат хола Мирзачўлга етганига ишонмасди.

— Айланай, биз ахир раҳматли чолим билан бу ерга етти кун деганда аранг етиб келган эдик. Янглишаётган бўлманг тагин?

— Янглишаётганим йўқ, хола, Мирзачўл дегани шу ер. Билетингиз ҳам шу жойгача. — Проводник аёл оғир чемоданни вагон эшиги ёнига ўтирга узиб, ерга олди. — Бирон киши кутиб олмаса юкингиз оғир экан! — қўшиб қўйди у.

— Кутади, кутади, ҳавотир олманг айланай, неварам кутади. — Нусрат хола проводник аёлга қайта-қайта ташаккур айтиб, перрондаги одамлар орасидан кўзи билан неварасини изларди. Перрон гавжум эди. «Келин бола, қайси вагонда келаётганимни айтмаган экан-да, Содиқжон вагонма-вагон излаб юрганга ўхшайди» — деган фикр ўтди унинг кўнглидан. Уни Мирзачўлга олиб келган поезд кетиши билан перрон бўшаб қолди. Содиқжондан ҳамон дарак йўқ. Катта чемодан, икки тугун, яна бир сетка билан Нусрат хола нима қилиши, қаёққа боришни билмай қарахт турарди. Шу палла унинг ёнига ёшгина бир жувон югуриб келди. Нусрат хола: «Содиқжоннинг бир иши чиқиб қолган бўлса кутиб олгани қўлида ишлайдиган жувонни юборибди-да» деб ўйлади. Дарҳақиқат жувон унинг ёнига келди, кўришди.

— Сиз Содиқ Обидовичнинг буванари бўласизми?

— Ҳа, нимайди, айланай, тинчликми? Сиз мени қаёқдан биласиз?

— Тўғри, мен сизни... танимайман... лекин, — у қўлидаги қоғозга қаради. Жувоннинг қўлида аллақандай қоғоз борлигини Нусрат хола энди кўрди. — Мен телеграфда ишлайман. Сизнинг келаётганингиз ҳақидаги телеграммани Содиқ Обидовичнинг уйларига олиб борган эдик, у киши йўқ эканлар...

— Қаёқда экан? — кампирнинг тарвузи қўлтиғидан тушди.

— Тошкентга кетибди.

Нусрат хола беихтиёр катта чемодан устига ўтириб қолди. Кўз олди қоронғилашди, хаёли чувалди.

— Хола, қани юринг, — деди жувон.

— Қаёққа?

— Хоҳласангиз бизнинг уйга, мен ҳозиргина ишимни тамомладим. Сизнинг телеграммангизни олгач, бирга ишлайдиган дугоналарим: «Катя, иш вақтинг тугади. У кишини кутиб олгани сен чиқ!» дейишди. Ҳалиям сал кечикиб келдим, кечирасиз!

— ...

— Хоҳласангиз Содиқ Обидовичникига олиб борай.

— Уйи очиқ эканми? — ҳайрон бўлиб сўради Нусрат хола.

— Калит қўшниларининг уйида бўлади.

— Ҳа, айтгандай, янги йилга қанча қолди?

Катя соатига қаради.

— Бир соату ўн икки минут.

— Бўпти, Содиқжоннинг уйига бошла!

Шундайгина вокзал олди майдонида поезд келганда йўловчиларни олиб кетган таксилар қайтиб келганми, ё ўзининг «тегі кўпми» кўк чироқли уч-тўрт машина турарди. Бир нафасда такси Нусрат хола билан Катяни Содиқжон уйига олиб келиб қўйди. Уй деган киройи шундай бўлса! Нусрат холанинг оғзи очилиб қолди: бу уй Тошкентдаги уйларидан катта ва шинам!

— Менга қара, қизим! Ке, вақт ўтмасин! — Нусрат хола тугунларни ечаркан, Катяга деди: — ҳозир келган машинамизга ўтир, ўша дилграфингда ишлайдиган йигит-қизларни ҳаммасини йиғиб ке! Янги йилни Содиқжоннинг бувиси билан ўтказамиз де! Ўзим ҳозир қўни-қўшиналарни айтиб чиқаман. Ҳа, айланай, одам бор жойга сдам келади! Чоп тезроқ!

Соат миллари роса ўн икки рақамига етганда Содиқжонникида бир уй одам ўтирар, дастурхондаги ноз-неъмат кўзни қамаштирар, тўрда Нусрат хола Мирзачўл ва невараси ҳақидаги анвойи гапларни эшитиб, ўз қулоғига ишонмай жилмаяр, кипригида омонат илиниб турган ёшларни билинтирмай сидириб ташламоқчи бўларди.

— Мана шу қадаҳни, — Нусрат хола ёнида ўтирган Катя ўрнидан турди, — мен ҳаммамизнинг онамиз бўлиб қолган меҳрибон Нусрат хола саломатликлари учун кўтарсак, дейман!

Ҳамма гур этиб ўрнидан турди. Нусрат хола ҳам ўрнидан турди. Бир нафас хижолат чекиб, йиғилганларга қаради:

— Болаларим, ҳозирги замон учун ичинглар, — деди ва Катя томон ўгирилиб қўшиб қўйди: — Замон яхши-да, айланай!..

Сами АБДУҚАҲҲОР.

ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

Жамила СОБИРОВА,
Гурлан районидаги «Коммунизм» колхози комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи.

ИЗЛИ-ҚУТЛИ 1964 йил билан хайрлашдик. Янги йил остонасига қадам қўйдик. Бугун биз колхозчи-деҳқонлардан ўтган уч юз олтмиш олти кунда ҳаётингизда қандай қувончли воқеалар юз берди, деб сўрасалар, яқдиллик билан шундай деб жавоб берардик: пахта тайёрлаш давлат планини бажардик, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлди.

Бригадамиз аъзолари йил бошида ҳар гектар ердан 36 центнердан «оқ олтин» етиштириш ҳақидаги мажбуриятни имзолаган эдилар. Бутун куч ва техника воситаларини ана шу вазифани шараф билан бажаришга сафарбар этдик. 86 гектар майдонга чигит квадрат-уялаб экилди. Ғўза механизмлар воситасида парвариш қилинди. Чанқаса суғордик, очиқса озиқлантирдик.

Бироқ табиий офатлар ишимизга бир оз тўсиқ бўлди. Ғўза авжи ҳосил тўплаётган паллада қарадрина кўпайиб кетди. Сув камчия бўлиши туфайли шўр тупроқнинг остки қатламидан устки қатламига кўтарилди. Бу ҳам ғўзанинг тез ўсиш ва ривожланишига, кўп ҳосил тўплашига ғов бўлди. Биз кўп йиллик тажрибани ишга солиб, фан-техника ютуқларига таяниб табиий офатни вақтида даф этдик, ҳамма майдонларда зиммага олинган мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштирдик. Пахта йиғим-теримни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказилди. Ҳар гектар ердан 41 центнердан «оқ олтин» териб олиб, мажбуриятни ошириб ўринладик.

Мен йил бошида «зангори кема»да 100 тонна пахта теришга сўз берган эдим. Пахтадан юқори ҳосил етиштириш, ғўзани машина теримига мослаб ўстириш туфайли сўзимнинг устидан чиқдим. Мавсумда 122 тонна пахта тердим.

Халқимизда «ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар» деган нақл бор. Биз доим режа билан иш тутдик. Эътиборни кам маблаг ва ишчи кучи сарфлаб, кўп, арзон пахта етиштиришга қаратдик.

Колхозимиз Амударёнинг қуйи оқимига жойлашган. Пахта майдонларимиз шўрхок ерлардир. Шунга қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли пахтадан юқори ҳосил етиштирилмоқда. Колхозимиз ўтган йили 1372 гектар майдоннинг ҳар гектаридан она-Ватанга салкам 36 центнердан пахта сотди, социалистик мажбуриятни бажарди. Хўжаликда 25 центнердан кам ҳосил оладиган бирорта бригада ёки звено қолмади. Яқинда хўжалик йилига тахминий яхун ясалди. Колхоз бўйича барча бригадалар Лев Ким бошлиқ бригада аъзолари олган даражада ҳосил олса қўшимча 1500 тонна пахта тайёрлаш мумкинлиги аниқланди. Бунинг учун нима қилиш керак?

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти илғор тажрибаларни пропаганда қилувчи мактаб очди. Унда юзга яқин колхозчи-механизаторлар ўқишмоқда. Пахта усталари, донгдор механизаторлар ўз тажрибаларини сўзлаб бермоқдалар. Мен ҳам кўп ва арзон пахта етиштиришдаги иш услубимизни гапириб бердим. Ҳозир келгуси йил мўл ҳосилига тайёргарлик кучайтириб юборилди. Бригадамиз территориясидаги ариқ-зовурлар қазилди. Ер шўр ювишга тайёрлаб қўйилди. Бригадамиз аъзоларидан 6 киши малака ошириш курсларида ўқимоқда. Ўзим трактор ремонтида қатнашмоқдаман. Тингловчиларга шулар ҳақида сўзлаб бердим.

Ўтган йилдан миннатдормиз. Янги йилда бригадамиз бўйича пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 50 центнерга етказиш учун нураш бошладик. Ҳалол меҳнат билан бу ниятимизга ҳам етамиз.

ТОШКЕНТДАГИ химия-фармацевтика заводининг коллективи 1964 йил охиригача бир неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ўз мажбуриятини шараф билан бажарди. Суратда (чапдан): янги йилга муносиб совға тайёрлаган илғор ишчилар Ш. Аваэмуҳамедова, А. Шатилова, Г. Головко ва М. Икромова ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЮ

ТЕЛЕФОН СИМЛАРИДА:

— Янги 1965 йилда аҳоли ёқилғи билан қандай таъминланади?

Ўрмон, қурилиш материаллари ва ёқилғи билан савдо қилиш республика конторасн — «Узлесстройторг» ёқилғи бўлимининг бошлиғи З. П. Пўлатов:

— Маълумки, ўтган йил республикада ёқилғи танқислиги сезилиб қолди. Буни ҳисобга олиб янги йилда Ўзбекистон аҳолисининг ёқилғига — кўмир, саксавул, маҳаллий ўтинга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун барча тадбирлар кўрилмоқда. Чунончи, янги йилда ўтган йилдагига нисбатан 105 минг тонна кўп кўмир тарқатилади.

Ҳозирча 625 минг тонна кўмир, 20 минг тонна саксавул, 17 минг кубометр ўтин сотиш планлаштирилди. Планга қўшимча материаллар ҳам олиш ниятимиз бор.

3 январдан бошлаб Тошкент шаҳрининг тўрт жойида — Ипподромда, аэропорт яқинида, Шота Руставели ва Ҳамза кўчаларида уйга ёқилғи ташиб берувчи бюролар ишлай бошлайди. Шунингдек, 1965 йилда Самарқандда ҳам ана шундай бюро ташкил этилади. Булардан ташқари қаҳрамон оналарга ва пенсионерларга хизмат қилувчи алоҳида бюро ҳам очилади. Булар ихтиёрида 120 автомашина ишлайди. Биз маиший хизматни яхшилаш учун бутун кучни ишга соламиз. Шу билан бирга ёқилғи олувчилардан ҳам илтимосимиз бор. Одатда одамлар ёқилғига қиш ойларидагина буюртма берадилар. Ёзда ғамлаб қўйилса бўлмайдими?! Бу бизнинг ишимизни анча енгиллаштирган бўлур эди.

□ □

— Янги йилда транспорт хизматининг аҳволи қандай бўлади?

Республика Трамвай-троллейбус бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Н. А. Подгорний:

— Янги йилда трамвай-троллейбус хизматида кўпгина ўзгаришлар бўлади. Тошкентда янги трамвай ва троллейбус йўллари қурилади. Чилонзордаги янги уй-жой массивини шаҳарнинг маркази билан боғловчи Қаттортол кўчасидан шаҳар марказига троллейбус қатнови уюштирилади. Фарҳод—Қурилиш кўчалари бўйлаб 5 километрли трамвай йўли қурилади. Эски йўллар реконструкция қилинади. 1965 йилда яна Високовольт уй-жой массивига олиб борувчи катта йўл қурилиши бошланади. Шу билан бирга янги йилдан ўнлаб янги троллейбус ҳамда трамвай вагонлари келтирилиб, меҳнаткашлар хизматига топширилади.

□ □

Янги йил арафасида мухбиримиз «Узглавстрой» бошлиғининг биринчи ўринбосари Ржевский билан телефон орқали боғланиб, унга шундай савол билан мурожаат этди.

— «Узглавстрой» қурилишларида қандай янгиликлар бўлади? Қандай йирик корхоналар ишга тушади. Аҳолига қанча квартира қуриб берилади?

— Энг аввало, шуни айтиш керакки 1965 йилда қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 1964 йилдагидан 20 процент кўп бўлади. Бошқача айтганда, 256 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Энди янги йилдаги янгиликларга келганда, биринчидан қишлоқ қурилишининг суръати кескин кўтарилади. Бу йилдагига нисбатан икки баравар кўп уйлар қурилади. Бунга эришиш учун қишлоқ қурилиши бўйича ихтисослаштирилган трестлар тузиш мўлжалланмоқда.

Иккинчи янгилик аҳолига туҳфа этадиган квартираларимиз сони 1964 йилдагидан анча кўп бўлади. Ярим миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинолари фойдаланишга топширилади. Учинчи янгилик, маҳсулот ишлаб чиқариб турган кўпгина корхоналар реконструкция қилинади. Янги корхона, цехлар ишга туширилади. 1965 йилда Чирчиқ трансформатор заводининг биринчи навбати, Фарғона азот ўғитлар заводида дефолиантлар ишлаб чиқариш бўйича қувватлар ва бошқа бирқанча корхоналарда янги цехлар ишга тушади. Айтаверсам, қурилиш оламида янгилик кўп. Буларнинг ҳаммаси сизларни хушнуд қилишига аминман.

ФАН ОЛАМИДА

● Агар сиз серқуёш ўлкамиз илму фанининг улкан штаби — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг институт ва лабораторияларида бўлиб, у ердаги олим ва олимлар, зеҳни теран илмий ходимлар билан суҳбатлашсангиз республикамизда фан нақадар ривожланаётганидан бениҳоя севинасиз. Узоққа бормай, табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида ўтган йили қўлга киритилган энг муҳим янгиликлардан баъзиларини олиб кўрайлик.

● Фанимиз ифтихори бўлган ядро физикаси институти ходимлари руда таркибини аниқлашнинг янги усулини топдилар. Агар руда нейтронлар билан нурлантирилса, атом ядролари нейтронларни ўзига сингдириб, гамма нурлар тарқатувчи радиоактив изотопларга айланади. Изотоплардан тарқалувчи гамма нурлар муайян миқдордаги энергияга эга бўлдики, бу энергияни махсус асбобда ўлчаш йўли билан руда таркибида қандай элементлар борлигини ва бу элементларнинг миқдорини аниқлаш мумкин.

Ядрочи олимларимиз радиоактив концентратомер деган янги асбоб ясадилар. Бу асбоб кимё саноатида, жумладан, сульфат ва нитрат кислоталар ишлаб чиқаришда суюқлик концентрациясини муттасил ўлчаб туриш имконини беради. Янги асбобнинг Чирчиқ электр химия комбинатида жорий қилиниши туфайли ҳар йили 250 минг сўмлик маблаг тежаб қолиниши мумкинлиги исботланди.

● Кимё институтининг академик М. Набиев бошчилигидаги ўғитлар лабораторияси ходимлари «СУМ-У-ж» деган мураккаб суюқ ўғит ишлаб чиқаришнинг бир қанча янги усулларини топдилар. Институт ишлаб чиқаришга жорий этишни таклиф этган бу ўғит самараси жиҳатдан аммиак селитраси ва суперфосфатдан қолишмайди, балки икки марта арзонга тушади.

● Академик С. Юнусов бошчилигидаги ўсимлик моддалари химияси институти ходимлари ўнлаб тур ўсимликлардаги алкалоид миқдорини ўлчадилар. Энг янги физик ва химик методлар ёрдамида бир қанча алкалоидларнинг тузилишини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Институт 7 янги препаратни химик ва фармакологик жиҳатдан ўрганиб чиқди. СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг фармакология комитети институтда ўтказилган тадқиқотларга асосланиб, мазкур препаратларни янги дори-дармонлар сифатида клиникаларда синаб кўришга рухсат этди.

● Техника ва дон экинлари экспериментал биологияси институти ходимлари ривожланаётган кўсакларга оз миқдорда радиоактив фосфор киритиб, чигитни экишдан олдин радиоактив фосфор эритмасида намлаш ва уни иссиқлик нейтронлари билан нурлантириш орқали ғўза наслида туб ўзгаришлар ясамоқдалар. Чунончи, «108-Ф» навли ғўзага гамма нурлар таъсир эттириш натижасида бир қанча қимматли хусусиятларга эга бўлган «радиомутант № 1» навли ғўза етиштирилди.

● Академик М. В. Муҳаммаджонов бошчилигидаги лаборатория коллективи ерни ҳайдашнинг янги усулини топди. Бу усулга кўра, тупроқнинг юқори қатлами 30 сантиметр чуқурликда ағдариб ҳайдалади, бу қатламнинг ости эса яна 30 сантиметр чуқурликка қадар юмшатилади. Ҳар қатламга органик ва минерал ўғитлар солинади. Ҳозирги ҳисоблар шуни кўрсатадики, агар Ўзбекистоннинг энг камида 1 миллион гектар ери шу тарика ҳайдалса, республика бўйича 700-750 минг тонна қўшимча «оқ олтин» ҳосили олиш мумкин экан.

А. МУҲАММАДҚУЛОВ.

ЙЎЛЛАР

ШУҲРАТ

Йўллар... Йўллар... кенг, ёруғ йўллар
Мени ёрқин манзилга йўллар!

Чаманлардан олиб ўтган у,
Саҳроларда қуёш ютган у,
Чашмалардан кафтда сув тутиб,
Чўққиларда мени кутган у.

Бахт ишқини қалбга солган ҳам,
Ер қошига бошлаб борган ҳам,
Мангу ҳамроҳ бўлиб қолган ҳам
Шу йўллардир, шу ойдин йўллар.
Шу йўллардир, шу олтин йўллар!

Шу йўлларнинг ҳақи-ҳурмати,
Қадаҳларга тўлдиринг шароб.

Йўллар бизни кутиб турмади,
Уфқларда кўрмадик сароб.

Йил кириши — йўлнинг бошидир...
Йўлда ҳали қанча довон бор,
Қанча орзу, қанча армон бор,
Қанча заҳмат, қанча меҳнат бор,
Ғолиб ўтмоқ марднинг ишидир.

Олинг, дўстлар, олинг мағрур, шан,
Йўллар бўлсин ҳамиша равшан,
Йўллар бўлсин ҳамиша гулшан,
Йўллар элтсин манзилга омон!
Омон бўлсин замину замон!!

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

«Ўзбекистон меҳнаткашларини чин кўнгилдан Янги йил билан қутлаймиз. Ўзбекистонлик дўстларимизга коммунистик қурилишда, партиянинг буюк режаларини ижро этишда, бутун дунёда тинчлик учун курашда бундан ҳам зўр муваффақиятлар тилаймиз» — болгар—совет дўстлиги умумхалқ комитети Тошкентга ана шундай истаклар йўллади.

Шу кунларда чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти номига жаҳоннинг ҳамма томонларидан юзлаб табрикномалар ва телеграммалар келмоқда. Халқ демократияси мамлакатларидаги, Англия, Янги Зеландиядаги, Африканинг ёш давлатларидаги жамоат ташкилотлари, фан ва маданият арбоблари республикамиз шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашларига бахт-саодат ва омон-эсонлик тиламоқдалар.

Кўпгина хатларнинг авторлари ўзлари республикамизда ўтказган кунларни, ўзбек диёридаги ажойиб кишилар билан унутилмас учрашувларини зўр самимият билан эсламоқдалар.

«Мен гўзал Тошкентни, унинг самимияти ва меҳмондўстлигини тез эслаб тураман. Бугун «Тинчлик!, Дўстлик!» сўзларини яна такрорлагим келади, — деб ёзади Нью-Йоркдан Руфь Фримэн.

Канадалик Э. Остри ўз мактубини «Тинчлик учун олиб борилаётган улуғ курашда биз ҳамиша бир-биримизга ҳамдаммиз», деган сўзлар билан тугаллайди. (ЎзТАГ).

ЯНГИ ЙИЛ ҲАЗИЛИ

ҚОРБОБО:
— Мен учун ўт унча қўрқинчли эмас!

— Тез-тез жилсанг-чи, томоқлар тақиллаб кетди-ку!

— Яхши қиз, анча кечикдингиз, янги йилни биз икки соат аввал нишонлаганмиз.

— «А» классидаги икки командамиз учун икки қадаҳ кўтараман!



— Янги йил билан, ўртоқ шофёр!
— Янги йил билан, ўртоқ йўловчи!
М. Воробейчиков ишлаган расмлар.

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

1 ЯНВАРЬ, 1965 ЙИЛ
№ 1 (12.957).

ЁҚУТ ЮЛДУЗ

ТОШКЕНТ, ЛЕНИН НОМЛИ МАЙДОН, 1967 ИИЛ 7 НОЯБРЬ.



ХАРБИЙ ПАРАД ТУГАЙДИ. Меҳнаткашлар намойиши бошланади. Мана, ҳар галдагиден ўз меҳнатлари билан коммунизмнинг муҳташам биносини бунёд этаётган қадоқ қўлли кишилар колонналари буюк татар шоири Абдулла Тўқай номидаги кўчадан Ленин номли майдонга узлуксиз кириб бормоқда. Ҳамма буюк Ленинга бамисоли салом бериб, рахмат айтиб ўтишга, яқиндагина қайта қурилиб фойдаланишга топширилган доҳий номидаги майдон жилоларига нигоҳ ташлашга шошилади.

Ленин номли майдон илгариги майдонга сира-сира ўхшамайди. Фақат ҳамон Владимир Ильич Министрлар Совети биноси олдидаги постаментда бир қўлини олдинга чўзиб, бамисоли пастдан ўтиб бораётган меҳнаткашларга «тўғри йўлдан боряпсиз, азизлар» деб турагандек. Майдон таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Ҳатто Улуғ Октябрь 49 йиллиги намойишига қатнашган кишилар ҳам бу ерда кўзни қувонтирадиган жуда кўп янгиликларни кўришга муяссар бўладилар.

Энг аввало оқиш парча-парча булутларга кўкрагини тираб турганден кўнка бўй чўзган ўн саккиз қаватли бино одамнинг кўзига ёқутдек ялт этиб ташланади. У Министрлар Совети биносининг ўнг томонида, илгариги пастак уйлар ўрнида қад кўтарган. Унинг атрофида азм дарахтларгина қолган. Пастак уйлар аллақачон суриб ташланган, уларнинг эгалари янги квартиралар олишган.

Ун саккиз қаватли маъмурий бинонинг рўпарасида эса 205 метрга чўзилган етти қаватли бино савлат тўкиб турибди. Бу икки маъмурий бинога кириш учун Абдулла Тўқай кўчасидан Ленин номли майдон атрофини ўраб олган айланма йўл қўйилган. Ўртадаги майдон ернинг табиий тузилишига қараб паст ҳам баланд қисмларга бўлиб ободонлаштирилган. Майдоннинг баланд қисмига катта йиғинлар ўтказишга мўлжалланиб йирик бетон плиталар ётқизилган. Пастки қисми эса каттагина сув ҳавзаси атрофида, азм дарахтлар тагида мириқиб ҳордиқ чиқариш мумкин бўлган хиёбон. Ундаги дарахтлар бу яқин орада ўтказилганга ўхшамайди. Ҳа, бу ёзда ерга тангадай офтоб туширмайдиган дарахтлар илгари ҳам бор эди. Улар кесилмай, сақлаб олиб қолинган.

Ленин ҳайкали остидан ҳамон меҳнаткашлар колонналари узлуксиз ўтиб бормоқда. Уларнинг ҳар бири архитектурамизнинг гул асарлари бўлган кўк ўпар уйларга тўймай тикилишади. Бу алюминий, ойна ҳам бетондан тикланган биноларни бир зиёрат қилиш, Ленин номли майдонни, ундаги хиёбонни бир айланиб кезиб чиқиш иштиёқида чор атрофига нигоҳ ташлашади. Ҳаяжонга тушишади.

Агар улар ўн тўққиз қаватли бино остонасидан ичкари қадам қўйишса, нималарни, қандай янгиликларни кўришарди, дерсиз. Улар яқалаб турган бинога яқин келибоқ унинг жилосига маҳлиё бўлиб қолишади, бинонинг шимолга қараган томони фақат металл витражлар ёрдамида ойнаванд қилиб ишланган. Жануб томонида металл витраждан ташқари қуёш нурларини қайтаруви осма темир-бетон решёткалар ишланган. Ғарб ва шарқ томони текис бўлиб деворлар оқ керамик плита билан безатилган.

Буларнинг ҳаммаси бинонинг ўзига хос бўлиб, табиат билан уйғунлашиб кетади ва бино архитектурасини яна ҳам кўркига кўрк қўшиб юборади.

Бинонинг майдонга қараган томони иккинчи қаватдан сал олдинга туртиб чиқиб, унга кўркам кўриниш берган. Ичкарига шу томондан кирилади. Иттифоқимизнинг саккиз балли ер қимирлашлар районида биринчи марта қурилган бу 18 қаватли бинонинг пастки қаватларига катта-катта учта зал жойлаштирилган. Тепа қаватлар эса ишчи хоналар ва кабинетлардан иборат.

Саккиз юз ўринли конференц-зал пастки қаватда, 200 ўринли кенгаш зали эса 2, 3-қаватларда жойлашган бўлиб, унинг деворларидаги барельефлар республика халқ хўжалигида эришилган ютуқлардан ҳикоя қилади.

Агар сиз юқори қаватларга кўтарилмоқчи бўлсангиз бир тоннагача юк кўтара оладиган лифтларга тушасиз. Улар сизни бир зумда истаган қаватингизга олиб чиқиб қўяди. Мана, ўн саккизинчи қаватда дераза олдидасиз. Тошкент кафтингизда турагандек. Ён атрофларга қараб илгаридан кўриб юрган Навоий номли театр, Марказий универмаг, Тошкент меҳмонхонаси, Узкомпартия Марказий Комитети биноларининг томларини яққол кўрасиз. Лекин биринчи аптека, цирк, «Искра» ва «Ёш гвардия» кинотеатлари биноларини топа олмайсиз. Уларнинг ўрнида гулдор поёндоздай Тошкент меҳмонхонасидан то Навоий кутубхонасига қадар Ленин кўчаси бўйлаб чўзилган гулзор кўринади. Ҳа, бу ўн саккизинчи қаватдан Тошкент сийнасидаги ёқут юлдузларга ҳар қанча мафтун бўлиш мумкин.

Ленин номли майдондаги иккинчи янги етти қаватли бино ҳам Тошкентнинг ёқут юлдузларидан бири. У икки юз беш метрга чўзилгани учун ҳам архитекторлар биринчи қаватнинг бир қисмини очиқ қилиб ишлаб, унга ажойиб кўриниш берганлар. Биринчи қаватнинг бу очиқ қисми майдонни бинонинг орқасидаги кўкаламзор массив билан боғлайди. Ун саккиз қаватли бинонинг конференц-залига Самарқанд кўчасидан кирилса, етти қаватли бинонинг 750 ўринли конференция залига Абдулла Тўқай кўчаси томондан эшик қўйилган.

Иккала бинонинг ҳам ички деворлари синтетик материаллар, оқ ҳамда рангли керамика билан пардозланган бўлиб кўзни нурлантиради. Яна бир янгилик. Иш хоналари ва кабинетлар ўртасидаги деворлар йиғма ҳамда енгил бўлганлиги учун уларни истаган пайтда суриб қўйиб, хона ёки кабинетни катталаштириш мумкин. Бу нишиларимиз учун кўп вақтдан бери орзугина эди. Энди бу тажриба уй-жой қурилишида ҳам қўл келиб қолди.

Мана шундай. Буларнинг ҳаммаси бинокорлар ва архитекторларнинг Улуғ Октябрь 50 йиллигига ажойиб туҳфаси. Улар Тошкент сийнасига бир неча ёрқин ёқут юлдуз ўрнатдилар. Ленин ҳайкали ёнидан ўтиб бораётган кишилар бу ёқут юлдузларга нигоҳ ташлаб тўймайдилар. Шу ёқут юлдузлар уларнинг юрагига ғурур солади, меҳнатда жасорат кўрсатишга чорлайди. Ҳамон намойишчилар Ленин номли майдонга ана шундай такрорланмас сайқал берган бинокорларга тасанно айтиб, Ленин ҳайкали остидан ўтиб борадилар...

Ҳурматли газетхон! Биз Ленин номли майдоннинг реконструкция лойиҳасига асосланиб, юқоридаги репортажни ёздик. Бу лойиҳани Москвадаги маъмурий бинолар ва спорт иншоотларини типовой ва эксперименталь лойиҳалаш марказий илмий тадқиқот институти коллективи «Ташгипрогор» лойиҳачилари билан ҳамкорликда ишлаб чиққанлар. Яқин орада Ленин номли майдон реконструкцияси бошлаб юборилади. 1967 йилда Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига эса фойдаланишга топширилади.

М. СУЛТОНОВ.
инженер.

ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 — **Салом, Янги йил!** (болалар учун концерт). 12.45 — **Ун икки ой** (мультфильм). 13.40 — **Шустрик ва Мямликнинг Янги йил туши** (телефильм). 14.25 — **Ҳамма нарсани билгим келади.** (киножурнал). 14.35 — **Концерт.** 17.00 — **Жасур тинувчи** (болалар учун мультфильм). 17.30 — **Қор от** (телефильм). 17.50 — **Гўзаллик оламига саёҳат** (ҳужжатли фильм). 18.00 — **Бекор кетган вақт ҳақида эртак** (кинокомедия). 19.15 — **«Ёшлик» студияси Ёшларнинг Янги йил бали** («Ёшлик» студияси). 20.45 — **Алло, алло!** (катталар учун мультфильм). 20.55 — **Қадаҳ қандай вужудга келади** (кинокомедия). 21.30 — **Кичик эстрада концерти.** 22.00 — **Шер, барбос ва эшак** (катталар учун мультфильм). 22.10 — **Концерт** (ўзбек куйларидан). 23.10 — **Концерт.**

2 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 — **Шустрик билан Мямлик ва чинанам Қорбобо** (телефильм). 12.40 — **Қиш, Москвалик** (кинофильмлар). 13.00 — **Янги йил арчаси атрофида** (Свердлов номли концерт залидан). 14.00 — **Белоруссия цирки томошалари.** 17.00 — **Қор малика** (болалар учун фильм-эртак). 18.05 — **Тамарахоним куйлайди** (фильм-концерт). 18.30 — **Гўзаллик-жиддий иш** (ҳужжатли фильм). 18.40 — **Қўшиқ, рақс ва куйлар.** 19.15 — **Шайтоннинг ҳам кучи етмайди** (кинокомедия). 20.35 — **Иованна куйлайди** (фильм-концерт). 21.50 — **Ўзбек музикали драмаларидан ларчалар.** 23.20 — **Эстрада концерти.**

3 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — **Бу китобларни ўқинг** (мактаб ўқувчилари учун).

Рус тилида: 12.30 — **Ҳалоллик синови** (болалар учун мультфильм). 13.00 — **Мандат** (бадиий фильм). 18.00 — **Қувноқ рассом, Иван Семёновнинг ҳаёти ва бошидан кечиргаилари,** (болалар учун мультфильмлар). 18.35 — **Рус қиши байрами** (телефильм). 19.05 — **Телевизион янгиликлар.** 19.20 — **Утмиш сири** (ҳужжатли фильм). 19.40 — **Фигуристлар муз устида** (телефильм). 20.35 — **Реклама ва эълонлар.**

20.40 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.45 — **Телевизион янгиликлар.** 21.00 — **Оқ карвон** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ ТЕЛЕСТУДИЯСИ ЭШИТТИРИШЛАРИ

18.00 — **Кинофильмлар.** 19.05 — **Оламда нима гап.** 19.25 — **Концерт** (кирғиз куйларидан). 20.05 — **Телевизион янгиликлар.** 20.25 — **Тонггача қирқ минут** (бадиий фильм). 21.40 — **Людмила Зинина куйлайди** (фильм-концерт). 22.40 — **Киноочерк.**

4 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.00 — **Каникул кунларида. Барабан ва қамчи** (Охунбобоев номли Ёш томошабиндар театри спектакли).

Рус тилида: 11.35 — **Каштанка** (мультфильм). 12.05 — **Варгес Суренянц** (ҳужжатли фильм). 12.25 — **Дубровский** (бадиий фильм). 18.00 — **Янги йил арчаси атрофида** (кичкинтойлар учун). 18.25 — **Ёшлик куйлар** (Совет Армияси жангчилари учун). 18.50 — **Чарли Чаплин** («Кино санъати усталари» циклидан). 20.10 — **Телевизион янгиликлар.**

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар.** 20.55 — **Халқ контроли амалда.** 21.15 — **Улуғ йўл** (ёзувчи Ойбек туғилган кунинг 60 йиллиги муносабати билан). 21.45 — **Тўй олдида** (Тошкент маданий-оқартув техникуми ўқувчилари спектаклининг монтажи).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ ТЕЛЕСТУДИЯСИ ЭШИТТИРИШЛАРИ

18.00 — **Киножурнал.** 18.20 — **Опера ашулачилари кинода.** 18.50 — **Киноочерк.** 19.10 — **Шарқнинг буюк шоири.** 19.25 — **Телевизион эшиттириш.** 19.45 — **Телевизион янгиликлар.** 20.05 — **Биринчи троллейбус** (бадиий фильм). 21.30 — **Қишлоқ оқшомида.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/I да кундуз соат 12 ва кеч 8 да **Катта концертлар.** 2/I да кундуз **Жизель,** кечқурун **Князь Егор.** 3/I да кундуз **Демон,** кечқурун **Дон-Жуан.** 4/I да кундуз **Боғчасарой фонтани,** кечқурун **Майсаранинг иши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/I да кундуз ва кечқурун **Саракомат дилбарим.** 2/I да кундуз **Биринчи муҳаббат,** кечқурун **Қонли сароб.** 3/I да кундуз **Номаълум киши,** кечқурун **Сўнгги нусхалар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/I да кундуз **Ўғил йўлантириш,** кечқурун янги спектакль **Малиновкада тўй.** 2/I да кундуз **Ишнинг билан,** кечқурун **Катта концерт.** 3/I да кундуз **Хожи Каримнинг ойга саёҳати,** кечқурун **Ешликда берган кўнгил.** 4/I да кундуз **Жон қизлар,** кечқурун **Тошболта ошиқ.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 1, 2, 3, 4/I да ёшларнинг **Янги йил кечалари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 1, 2, 3, 4/I кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Юрий Дуров** ва **Литва цирки «Вильнюс» артистлари иштирокида «Циркда арча байрами».**

КИНО

Уйқудаги гўзал — САНЪАТ САРОЙИ (Панорама кинотеатри) — 1, 2/I эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4 ярим, кеч 7 ва 9 да, 3, 4/I эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, кеч 6 ярим ва 9 да.

Айтишув — 1/I да: «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), 1, 2, 3/I да: «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

СУНМАС АЛАНГА — 1, 2, 3/I да: «ДРУЖБА» (кундуз соат 2, 4 ярим, кеч 7 ва 9 яримда), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз 1 ва кеч 6 яримда).

Бир фирибгар бўлган экан — 1, 2, 3/I да: «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Мультфильмлар тўплами — 1/I да: «МИР» (эрталаб соат 10 да), 1, 2, 3/I да: СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб 11 да).

Тош гул — 1/I да «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да) НАВОИЙ номли (эрталаб 10 яримда), 2, 3/I да: «ВАТАН» (эрталаб 10 да), «СПУТНИК» (эрталаб 10 ва 11 да), 4/I да: «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 да).

Жаноб 420 — 1, 2, 3/I да: НАВОИЙ номли (кундуз соат 1-40 минут ва кеч 6 да).

Тоғлиқ қасоскорлар (1 ва 2-серия) — 1, 2, 3/I да: «ИСКРА» (кундуз соат 5 гача).

Йўловчи аёл — 1, 2, 3/I да: «ИСКРА» (кундуз соат 5 дан), «ДРУЖБА» (1-зала), «МИР», «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кундуз 4 ярим, кеч 8-40 минут ва 10 да), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

ЯНГИ ЙИЛ ЛАВҲАЛАРИ

Тақдир

Бу воқеа бундан бир неча йил илгари янги йилга ўтар кечаси юз берганди. Мен ўшанда командировкадан қайтаётиб, йўлдан адашдим. Тун, чўл. Ҳар қанча уринмай марказга чиқа олмасдим. Бир-бирига ўхшаган йўллар нуқул чўл ичкарисига олиб кириб кетарди. Ниҳоят узоқда чироқ ёғдуси кўринди. Ўша ёққа қараб интилдим. Яқинлашган ҳам эдим-ки, атрофдан бўрибосар итлар хуриб чиқди-ю, ўраб олиб қимирлатмай қўйди. Турган жойимда қотиб қолдим. Нима қилишимни билмасдим.

Бир маҳал орқада кимдир итларга пўписа қилгандай, уларни ҳайдагандай бўлди. Мен, «асирлик»дан қутулдим. Олдимда пўстинини елкасига ташлаб олган бир йигит турарди.

— Адашдингизми? — деди у кўриша туриб.

Бош силкидим.

— Марказга чиқиб олсам, ҳали ҳам бўлса, уйга етиб олармидим, — дедим.

— Ета олмайсиз. — Кейин нимандир ўйлаб бир зум жим қолди.— Олиб чиқиб қўярдим-у, янги йил кириб қолади... Истасангиз бирга кўтайлик. Йўқ десангиз, майли... марказга олиб чиқиб қўяй...

— Майли, қолдим, — дедим ниҳоят.

Осмонадан ҳатлаб ичкари кирганимни биламан. Уй тўридаги таниш расмга кўзим тушди-ю, турганимча қотиб қолдим. Қайтиб чиқиб кетишимни ҳам, ичкари киришимни ҳам билмасдим...

Бир вақтлар шу қизнинг васлида кўп кечаларни бедор ўтказгандим, йўлларини кўп пойлагандим. Шу расмини ҳам ўша кезларда ишлагандим, севгимиз ҳурмати деб унга тақдим этгандим... Кейин турмуш қурдик. Кўп йил бола кўрмадигу нелин рози-ризолик тилашиб ажралишдик.

Мен гитрардим. Ким билади, унга бўлган ўша муҳаббатим яна тугён уракетдими юрагимда, ё у шундай яхши одамни учратганидан, бахтини топганидан ўзимда йўқ қувониб ҳаяжонга тушдимми? Буни ҳам билмасдим.

Ичкарида чақалоқ йиғиллаб йиғларди...

Мурод МАНСУРОВ.

Икки янги йил

Янги йил арчасини бутун оила биргаликда безатдик. Арчамиз уйимизга зеб бериб, кўнглимизни хушнуд этарди. Айниқса болалар қувончининг чеки йўқ. Улар бир зумда арча атрофини ўраб олишди. Шу вақт нима бўлди-ю, муштдек бир ўйинчоқ узилиб ерга тушди. Қизалоғим ялт этиб даставвал менга, сўнгра онасига қаради. Кейин ўйинчоқни икки қўллаб авайлаб кўтарди-да, арчанинг пастдаги шохига илмоқчи бўлди. Ўйинчоқ тагин думалаб тушди. Қизалоғимни хижолатда қолдирмаслик учун югуриб бориб ўйинчоқни кўтардим. Кўтардим-у, бир воқеа эсимга тушиб кетди.

...Улуғ Ватан урушининг учинчи йили эди ўшанда. Уч кишини «тил» олиб келишга юборишди. Мана, немисларнинг мудофаа маррасидан уч юз метрлар чамаси берида — бири-бири билан қўлтиқлашиб турган қуюқ арча дарахтлари остида душманни кузатиб ётибмиз. Теварак-атроф қоп-қоронғи, совуқ.

Енг учида гугурт чақиб, соатимга қарадим. Янги йил киришига бир ярим соатча вақт қолибди.

— Кетдик! — дедим шерикларимга.

Автоматларни бўйнимизга осиб эмаклаб кетдик. Ҳадемай немис траншеяси ёнидаги сим тўсиққа дуч келдик. Ҳайрат мина ётқизилмаган экан. Тўсиқни қайчи билан кесиб ўтдик. Рўпарамизда бир немис солдати бошини сочиғи билан ўраб олиб, совуққа бардош беролмай, ҳадеб ер тепиб турибди. Таппа босдик. Даст кўтариб қочдик. Кейин немислар билиб қолишди. Ўзимизни арча тагига олдик. Шу вақт бир снаряд осмонни қоқ ёриб учиб келди-да, арчага урилиб даҳшат билан портлаб кетди. Ер кўк ларзага келди.

Землянкада — дўстлар даврасида ҳушимга келдим. Командирнинг «янги йилингиз билан табриклайман, қуролдош дўстлар», деб қилган хитобини эшитиб, бошимни кўтардим.

...Йиллар ўтибди. Мана энди жажжи эркатойларимиз қўлидан ушлаб сарвқомат арча атрофида тик, мағрур туриб қўшиқ айтяпмиз:

Ҳар доим бўлсин қуёш...
Ҳа, ҳамиша қуёш бўлсин, тинчлик бўлсин, дўстлар!

Самад ҚОДИРОВ.

Қизлар гулдастаси

ДИЁРИМ

Бу гўзал, кўркам диёрим новқирон ёшиндадир,
Бахт-саодат ёғдуси ҳардам элим бошиндадир.
Ҳамжиҳатдир қон-қариндош, неча миллат бахтиёр,
Меҳнату илму ижодда дўстлари қошиндадир.
Элга машҳур кўп қадимдан касби уста пахтакор,
Чўлда ҳам боғлар яратган, бахти нақкошиндадир.
Ҳиммати зўр, ҳосили мўл, ғайрати мардонавор,
Меҳнатин завқи сафодир, лаззати ошиндадир.
Қизлари кўп баркамолдир, ишқу сўзда барқарор.
Ҳурлиги, донгдорлиги, қунт ила бардошиндадир.
Куйлайин шеърим билан мадҳингни, эй озод диёр,
Бахт-саодат ёғдуси ҳардам элим бошиндадир.

Санобар ҲАСАНОВА.
Наманган.

АРЧА

Кўм-кўк арча новдаларингни
Қулоғимга балдоқ қилайми,
Ҳам марварид шодаларингни
Уйим шипи узра илайми?

Янги бахтдан хабар бераркан,
Баҳор бўлиб келди арчажон,
Ҳей, ўртоқлар, келинг
бериркан,
Нурга тўлиб келди арчажон.

Қор бободан гир-гир айланиб,
Хурсанд бўлиб уйга
қайтаман.

Тонг отганда яна шайланиб,
Қор бобога куйлар айтаман.

Эй, арчалар уйим тўрига
Меҳмон бўлинг, ранг-ранг
товланиб,
Юрагимда, кўзим нурида
Жавлон уринг ёниб,
жонланиб.

Раҳима УСМОНОВА.

Куйлайман сени

Сахий келган кузнинг барида,
Ҳил-ҳил меванг қуёш нурида
Минг товланиб қилганда
жилва
Боғларингда куйлайман сени.

Элда меҳнат завқи ҳўп тошган,
Олтин карвон хирмонга
шошган,
Дону пахтанг пландан ошган
Чоғларингда куйлайман сени.

Хирмон-хирмон «оқ олтин»
уйиб
Чўққисида хуснингга тўйиб,
Шодлигингга ҳамоҳанг бўлиб
Қўшиғимда куйлайман сени.

Тўйчага тўқийман қўшиқ,
Дилда меҳрим булоқдек
жўшиб,
Республикам, шодлигим қўшиб,
Гулбоғларда куйлайман сени.

МУҚАДДАС.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОСТАВИДА ЯНГИ РАЙОНЛАР ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади.**

1. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг ва меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ижроия комитетларининг илтимоси қондирилсин — халқ хўжалигига раҳбарликни кучайтириш ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР составида қуйидаги районлар тузилсин.

АНДИЖОН ОБЛАСТИДА

Бўз райони — маркази Бўз қишлоғи. Бу район составига Москва районидаги Куйбишев, Ховос, Киров қишлоқ Советлари ва Марказий Фарғонанинг Шарқий Езёвон массиви, Валиқчи районидаги Мингбулоқ, Избоскан районидаги Навоий қишлоқ Советларининг территориялари киритилсин.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДА

Қамаши райони — маркази Қамаши қишлоғи. Бу район составига Яккабоғ районидаги Қамаши, Кўкбулоқ, Чим ва Қорабоғ қишлоқ Советларининг территориялари (Энгельс номли колхоз ердан фойдаланиб келаётган чегаралардаги территория бунга киргмайди), шунингдек Чироқчи районидаги Қоратепа (Оқработ) ва Тўқбой қишлоқ Советларининг территориялари киритилсин.

Яккабоғ районининг маъмурий маркази Қамаши қишлоғидан Яккабоғ станцияси посёлкасига кўчирилсин.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДА

Хатирчи райони — маркази Янгиравот қишлоғи. Бу район составига Каттақўрғон районидаги Охунбобоев, Боғчакалон, Ленин, Ленинобод, Янгиравот ва Янгийўл қишлоқ Советларининг территориялари киритилсин.

Ургут райони — маркази Ургут посёлкаси. Бу район составига Самарқанд районидаги Ургут посёлкаси, Гусс, Илонли, Қўйқишлоқ, Ленин, Қоратепа, Мирзақишлоқ ва Ўрамас қишлоқ Советлари киритилсин.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДА

Зомин райони — маркази Зомин қишлоғи. Бу район составига Жиззах районидаги Обручево посёлкаси, Ленин, Ударник, Зомин, Навоий қишлоқ Советлари ва Янгиер районидаги Ховос қишлоқ Совети киритилсин.

Жеттисай райони — маркази Жеттисай посёлкаси. Бу район составига Киров районидаги Куйбишев, Ленин, Қорақай, Тельман, Интернационал, Новосельский қишлоқ Советлари, шунингдек Пахтаорол районидаги Центральний ва Прогресс қишлоқ Советлари киритилсин.

Киров районининг маъмурий маркази Жеттисай посёлкасидан Кировское қишлоғига кўчирилсин.

Пахтаорол районидаги Омонгелди қишлоқ Совети территорияси Киров райони составига олиб берилсин. Ильичев районидаги Фарҳод қишлоқ Советининг территорияси Янгиер райони составига олиб берилсин.

Сирдарё районидаги Шўрўзак ва Гулистон қишлоқ Советларининг территориялари Гулистон райони составига олиб берилсин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА

Оржоникидзе райони — маркази Оржоникидзе посёлкаси. Бу район составига Ғазалкент шаҳри, Юқори Чирчиқ районидаги Искандар ва Чорвоқ посёлкалари, Қўшқўрғон, Думалоқ, Карманас, Тошпўлат Дадабоев, Бўстонлиқ ва Угам қишлоқ Советлари, Калинин районидаги Оржоникидзе ва Улуғбек посёлкалари, Дўрмон, Байтқўрғон, Чинобод, Гулистон, Тузал, Куйбишев қишлоқ Советлари киритилсин.

Калинин районининг маъмурий маркази Оржоникидзе посёлкасидан Тошкент шаҳрига кўчирилсин.

Янгийўл районидаги Нов, Куйбишев номли ва Свердлов номли қишлоқ Советларининг территориялари Калинин райони составига олиб берилсин.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДА

Бағдод райони — маркази Бағдод қишлоғи. Бу район составига Ленинград районидаги I Бағдод, II Бағдод, Пахтаобод, Ленинобод, Ултарма, Чувалачи қишлоқ советлари, Олтиариқ районидаги Бешкапа, Зодиён, Оқер, Ўйрат қишлоқ Советлари киритилсин. Шу муносабат билан Охунбобоев районидаги Қумтепа, Йўлдошобод қишлоқ Советлари ва Фарғона районидаги Қўрғонтепа қишлоқ Совети Олтиариқ райони составига олиб берилсин.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДА

Урганч райони — маркази Қоровул қишлоғи. Бу район составига Шовот районидаги Чалиш посёлкаси, Обқўрмон, Бекобод, Ғайбу, Карамон, Киров, Чандириқиёт, Чоткўпир, Чаккашоликор, Юқорибоғ қишлоқ Советлари киритилсин.

БУХОРО ОБЛАСТИДА

Когон райони — маркази Когон шаҳри. Бу район составига Бухоро районидаги Когон, Тутиқунда, Фрунзе ва Убачўли қишлоқ Советлари киритилсин.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДА

Жарқўрғон райони — маркази Жарқўрғон посёлкаси. Бу район составига Шўрчи районидаги Жарқўрғон посёлкаси, Оққўрғон, Жалойр, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Минор, Сурхон, Юқори Кўкайти қишлоқ Советлари, Таллимарон қишлоқ Советининг Термиз районидаги «Ленин йўли» совхози ердан фойдаланиб келаётган чегаралардаги территориясининг бир қисми, шунингдек илгари маъмурий жиҳатдан меҳнаткашлар депутатлари Денов шаҳар Советига бўйсунган Кўкайти, Ламмкор ва Ховдак посёлкалари киритилсин.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДА

Бируний райони — маркази Бируний шаҳри. Бу район составига Бируний шаҳри, Тўрткўл районидаги Озод, Октябрь, Шоббоз, Шимом, Коммунизм, Қизилқалъа овул Советлари киритилсин.

2. Белгилансинки, янги сайловлар ўтказилгунга қадар янги тузилган районларда меҳнаткашлар депутатларининг район Советлари янги районлар составига олиб берилган территориялардаги сайлов округларидан сайланган район Советларининг депутатларидан иборат қилиб тузилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Секретари Р. САХИБОЕВ.

1964 йил 31 декабрь, Тошкент шаҳри.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

⊙ Менсинада бир гектардан ҳам кам ери бўлган ярим миллионга яқин кам ерли деҳқон бор. Айни маҳалда мамлакатдаги 1661 йирик латифундиячининг ҳар бири 10 минг гектардан кўпроқ ерга эга. Менсинада чиқадиган «Диа» газетаси ана шу маълумотларни босиб чиқарди.

⊙ Сайгондан 64 километр шарқдаги Бинь-Жиа шаҳри районида шиддатли жанглар давом этмоқда. 6 минг аҳолиси бўлган бу шаҳарни жанубий вьетнамлик партизанлар душанба куни эгаллаган эдилар. Қўғирчоқ сайгон режимининг қўшинлари шаҳарни қайтариб олиш учун муваффақиятсиз уриниб кўрмоқдалар. Кеча ана шу жангларда партизанлар Американинг учта вертолётини уриб туширганликлари хабар қилинган эди. Партизанлар Американинг икки ҳарбий «маслаҳатчиси»ни ўлгга туширдилар ва ҳукумат қўшинларининг икки ротасини қириб ташладилар.

⊙ Президент Жузеппе Сарагат конституциядa кўзда тутилган практикага мувофиқ, Италия министрлар совети раиси Морининг истеъфо бериш тўғрисида ўзига топширган аризасини рад этди. Уз лавозимини эгаллаган янги президентга истеъфо ҳақида берилган ариза расмиятчилик юзасидан топшириб қўйилади.

(ТАСС).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64543.
С. № В 1. Р. 12304.